2021

Ўзбекистон футбол ассоциациясининг УСТАВИ

E-mail: uzb@the-afc.com
Telefon: +99871 230 90 42



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
«қайта рўйхатга олинган»
2021 йил 30 июнда
481/п -сонли гувоҳномаси

Ўзбекистон футбол
ассоциациясининг навбатдан
ташқари Коннгрессида
«Тасдикланган»
2021 йил 19 июнь

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ АССОЦИАЦИЯСИ УСТАВИ

Тошкент шаҳри

МУНДАРИЖА

АТАМАЛАР ТАЛҚИНИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Номи, штаб-квартираси, ташкилий-ҳуқуқий шакли
2-модда. ЎФАнинг мақсади
3-модда. Инсон ҳуқуқлари
4-модда. Камситмаслик ва тенглик
5-модда. Бетарафлик ва институционал мустақиллик
6-модда. Дўстона муносабатларни ривожлантириш
7-модда. Футболчилар
8-модда. Ўйин қоидалари
9-модда. Органлар, расмий шахслар ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари
10-модда. Расмий тиллар

II. АЪЗОЛИК

11-модда. Аъзоликка қабул қилиш, вақтинча аъзоликни тўхтатиш ва аъзоликдан чиқариш
12-модда. Аъзолик
13-модда. Аъзоликка қабул қилиш
14-модда. Ариза ва сўров билан мурожаат қилиш тартиби
15-модда. Аъзоларнинг ҳуқуқлари
16-модда. Аъзоларнинг мажбуриятлари
17-модда. Аъзоликнинг тўхтатилиши
18-модда. Аъзоликдан чиқарилиш
19-модда. Аъзоликдан чиқиш
20-модда. Аъзолар ва уларнинг органларининг мустақиллиги
21-модда. Клубларнинг, ЎзПФЛ, вилоят футбол ассоциациялари ва бошқа клублар гуруҳларининг ҳолати

III. ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТ ВА ФАХРИЙ АЪЗО

22-модда. Фахрий президент ва Фахрий аъзо

IV. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

23-модда. Бошқарув органлари
24-модда. Бошқарув органи аъзосини ўз лавозимидан озод қилиш

А. Конгресс

25-модда. Конгресс ва унинг мақоми

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

26-модда. Делегатлар ва уларнинг сайланиш тартиби
27-модда. Ваколатлар доираси
28-модда. Конгресс кворуми
29-модда. Конгресс қарорлари
30-модда. Сайлаш
31-модда. Навбатдаги Конгресс
32-модда. Навбатдаги Конгресс кун тартиби
33-модда. Навбатдан ташқари Конгресс
34-модда. ЎФА Устави ва Конгрессини олиб бориш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш
35-модда. Конгресс баённомаси
36-модда. Қарорларнинг кучга кириш санаси

Б. Ижроия Қўмитаси

37-модда. Ижроия Қўмитаси таркиби
38-модда. Ижроия Қўмитаси йиғилиши
39-модда. Ижроия Қўмитаси ваколатлари
40-модда. Ижроия Қўмитаси қарорлари

В. Президент

41-модда. Президент
42-модда. Вакиллик ва имзо

Г. Бош котибият

43-модда. Бош котибият
44-модда. Бош котиб

Д. Ҳудудий ассоциациялар

45-модда. Ҳудудий ассоциациялар

Е. Доимий қўмиталар

46-модда. Доимий қўмиталар
47-модда. Молиявий қўмита
48-модда. ЎФА мусобақаларининг ташкилий қўмитаси
49-модда. Техник ва ривожланиш қўмитаси
50-модда. Ҳакамлар қўмитаси
51-модда. Аёллар футболи қўмитаси
52-модда. Футболчиларнинг мақоми қўмитаси
53-модда. Ҳаваскорлик ва оммавий футбол қўмитаси
54-модда. Тиббий қўмита

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

55-модда. Вақтинчалик қўмиталар

Ж. Клубларни лицензиялаш органлари

56-модда. Клубларни лицензиялаш органлари

V. МУСТАҚИЛ ҚЎМИТАЛАР

57-модда. Инстиционал мутақиллик
58-модда. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси
59-модда. Сайлов қўмиталари
60-модда. Юрисдикция органлари
61-модда. Тартиб-интизом қўмитаси
62-модда. Этика қўмитаси
63-модда. Апелляция қўмитаси

VI. ИНТИЗОМИЙ ЧОРАЛАР

64-модда. Интизомий чоралар

VII. АРБИТРАЖ

65-модда. Арбитраж
66-модда. Юрисдикция (ваколат)

VIII. МОЛИЯ

67-модда. Молиявий ҳисобот даври
68-модда. Даромадлар
69-модда. Харажатлар
70-модда. Мустақил ва ташқи аудиторлар
71-модда. Аъзолик бадал(йиғим)лари
72-модда. Ҳисоб-китоб
73-модда. Йиғимлар
74-модда. Молиявий маълумотларни нашр этиш

IX. МУСОБАҚАЛАР ҲАМДА УЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР

75-модда. Мусобақалар
76-модда. Клубларни лицензиялаш
77-модда. Ҳуқуқлар
78-модда. Тарқатиш учун рухсат

X. ХАЛҚАРО ЎЙИНЛАР ВА МУСОБАҚАЛАР

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

79-модда. Халқаро ўйинлар ва мусобақалар
80-модда. Алоқалар
81-модда. Тасдиқлаш

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

82-модда. Кутилмаган вазиятлар ва форс-мажор ҳолатлар
83-модда. Корпоратив ҳужжатларни нашр этиш
84-модда. ЎФАни тугатиш ва қайта ташкил этиш тартиби
85-модда. Кучга кириши
86-модда. Ўтиш қоидалари

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

АТАМАЛАР ТАЛҚИНИ

Бу ерда келтирилган атамалар қуйидагиларни англатади:

ЎФА: Ўзбекистон футбол ассоциацияси;

ФИФА: Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси;

ОФК: Осиё футбол конфедерацияси;

МОФА: Марказий Осиё футбол ассоциацияси;

Ассоциация: ФИФА ва тегишли конфедерация томонидан тан олинган футбол ассоциацияси. Устав контекстида бошқа маънони билдирмаса, ФИФА аъзоси.

Ўзбекистон Профессионал Футбол Лигаси (ЎзПФЛ): : ЎФА томонидан тан олинган нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, унга аъзолик мажбурияти асосида спорт масалалари бўйича бўйсунади, ўз фаолиятида спорт масалалари бўйича ФИФА, ОФК, ЎФА регламентлари ва қоидалари устунлигини тан олган ҳолда фаолият юритади, ЎФА берган ҳуқуқ ва ваколатлар асосида барча профессионал футбол мусобақаларини ўтказади.

Ҳудудий асоциация: ЎФА тасарруфидаги ташкилот. (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри футбол ассоциациялари)

Конфедерация: ФИФА томонидан бир хил қитъага тегишли ассоциациялар гуруҳи (ёки ўзлаштириладиган географик минтақа).

Клуб: ассоциация (ФИФА ва тегишли конфедерациянинг аъзоси бўлган) аъзоси ёки мусобақада камида битта жамоа сифатида кирадиган ассоциация томонидан тан олинган лига аъзоси.

Расмий шахс: ҳар қандай бошқарув кенгаши аъзоси (шу жумладан Ижроия Қўмитаси аъзолари), қўмита аъзоси, ҳакам ва ҳакам ёрдамчиси, мураббий, инструктор ва ФИФА, конфедерация, ассоциация, лигада ёки техник, тиббий ва маъмурий масалалар учун масъул бўлган ҳар қандай бошқа шахс, клуб, шунингдек ФИФА Уставини бажаришга мажбур бўлган ҳар қандай бошқа шахслар (футболчилар ва воситачилардан ташқари).

Футболчи: ЎФА ёки ЎзПФЛ томонидан лицензияланган футболчи.

Воситачи (футбол агенти): жисмоний ёки юридик шахс (шу жумладан, хорижий жисмоний ёки юридик шахс) бўлиб, у юридик ва бошқа ҳаракатларни бажариш орқали футболчилар ва тренерларни профессионал футбол клубига (шу жумладан, хорижий клубларга) ишга жойлаштиришда кўмаклашиш бўйича фаолиятни ҳақ эвазига ёки бепул амалга оширади, шу жумладан трансфер контракти(шартномаси)ни тузиш ва/ёки меҳнат шартномасини тузиш (ўзгартириш, бекор қилиш) мақсадида футболчилар, тренерлар ва/ёки Клублар (шу жумладан, хорижий клублар) манфаатларини ҳимоя қилади.

Конгресс: ЎФАнинг энг юқори турувчи олий органи.

Ижроия Қўмитаси: ЎФАнинг ижроия ва назорат органи.

Аъзо: Конгресс томонидан ЎФА аъзолигига қабул қилинган юридик шахс.

Делегат: Конгрессда аъзонинг ваколатли вакили бўлган жисмоний шахс.

Ассоциация футболи: ФИФА томонидан бошқариладиган ва ФИФА, конфедерациялар ва/ёки ЎФА томонидан футбол ўйини Қоидаларига мувофиқ равишда ташкил қилинган ўйин.

Футбол ўйини Қоидалари: ФИФА Уставининг тегишли қоидаларига мувофиқ ИФАБ томонидан чиқарилган футбол тўғрисидаги қоидалар.

ИФАБ: Халқаро футбол ассоциацияси кенгаши (ИФАБ).

Судлар: низоларни кўриб чиқадиган давлат судлари (умумий юрисдикция судлари).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

CAS: Лозаннада (Швейцария) жойлашган Спорт арбитраж суди.

Эслатма: Мазкур Устав билан барча жисмоний шахсларга нисбатан қўлланган кўрсатмалар ҳам эркаклар, ҳам аёлларда бир хилда, бирлик ва кўпликда маъносига зарар етказмай қўллаш мумкин.



I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Номи, штаб-квартираси, ташкилий-ҳуқуқий шакли

1. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (ЎФА) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 77-моддасига, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги ва "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунларига мувофиқ ташкил этилган.

ЎФАнинг фаолият муддати чекланмаган.

2. ЎФА нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, ФИФА, ОФК таъсис ҳужжатлари, қоидалари ва мазкур Уставга биноан амалга оширади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзига тегишли мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни қонуний ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли – Ассоциация (юридик шахслар уюшмаси).

Мазкур ташкилот муқаддам 2009 йил 30 декабрда Адлия вазирлиги томонидан 481п-сон билан Ўзбекистон футбол федерацияси (ЎФФ) номи билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

3. ЎФА Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширади.

4. ЎФА ҳамда ЎФА аъзоларининг фаолиятига давлат (унинг органлари)нинг аралашувига йўл қўйилмайди.

5. Ассоциациянинг расмий номланиши қуйидагича:

• ўзбек тилида:

• лотин алифбосида -"O'zbekiston futbol assotsiatsiyasi";

• кирилл алифбосида - "Ўзбекистон футбол ассоциацияси";

• рус тилида – «Ассоциация футбола Узбекистана»;

• инглиз тилида – «Uzbekistan Football Association».

ЎФА доимий асосда ишлайдиган раҳбар орган жойлашган жой (қароргоҳ) қуйидаги манзил бўйича жойлашган: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100011, Ислом Каримов кўчаси, 98 «А» уй.

6. ЎФА – ФИФА, ОФК ва МОФА аъзосидир.

7. ЎФА ўз фаолиятини қонунийлик асосида ва ўз аъзоларининг тенг ҳуқуқлилик принципида олиб боради.

8. ЎФА мустақил балансга, ҳисоб-китоб варағи ва бошқа ҳисоб варақларга, шу жумладан, валюта ҳисоб варағига, ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штамплар ва бланкаларга, расмий нишон, мадҳия, байроқ, жетон, медал, диплом ва фахрий ёрлиқларга эга бўлади.

9. ЎФА юридик шахс ҳисобланиб, мулк ҳуқуқида алоҳида мол-мулкка эга бўлади ва ўз мажбуриятлари юзасидан ана шу мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

10. ЎФА халқаро ва бошқа тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат мадҳиясидан фойдаланади. ЎФА рамзи ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ адлия органларида рўйхатдан ўтказилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

2-модда. ЎФАнинг мақсади

ЎФАнинг асосий мақсадлари барча мақбул воситалар ёрдамида футболни ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳисобланади. ЎФА мақсадларга таяниб ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

1) футбол ўйинини доимий равишда такомиллаштириш ва уни адолатли ўйин ва унинг бирлаштирувчи, таълимий, маданий-гуманитар қадриятлари, хусусан ёшлар ва ривожланиш дастурлари асосида бутун Ўзбекистон бўйлаб тарғиб қилиш, тартибга солиш ва бошқариш;

2) футбол, футзал ва пляж футболи бўйича миллий даражадаги мусобақаларни, керак бўлганда, у тузилган турли лигаларга берилган ваколат доираларини аниқ белгилаб, ташкил этиш;

3) футбол фаолияти билан боғлиқ қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

4) аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;

5) ФИФА, ОФК, МОФА ва ЎФА Уставлари, қоидалари, кўрсатмалари ва қарорлари ҳамда Ўйин қоидаларини ҳурмат қилиш ва ҳар қандай бузилишларнинг олдини олиш ва уларнинг аъзолари томонидан ҳам уларга риоя қилинишини таъминлаш;

6) ўйинларнинг, мусобақаларнинг, Футболчиларнинг, расмийларнинг ва аъзоларнинг ёки футбол, футзал ёинки пляж футболи яхлитлигини хавф остига қўйиши ёхуд суиистеъмол қилинишига олиб келиши мумкин бўлган коррупция, допинг ёки келишилган ўйинлар каби барча усуллар ёки амалиётларнинг олдини олиш мақсадида ҳалоллик, этика қоидалари ва адолатли ўйинни ривожлантириш.

7) миллий даражадаги яхши бошқарув тамойиллари ва амалиётини тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаш ва унинг аъзоларини ўзларининг яхши бошқарув тамойилларини қабул қилишларини рағбатлантириш;

8) аёллар футболини ривожлантиришга ва футболни бошқаришнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ иштирокига кўмаклашиш;

9) бутун Ўзбекистон бўйлаб ўтказиладиган барча турдаги футбол бўйича ўртоқлик учрашувларини бошқариш ва назорат қилиш;

10) ФИФА, Конфедерацияларнинг тегишли Уставлари ва қоидаларига мувофиқ, миллий даражада футбол, футзал ва пляж футболи ассоциацияларини назорат қилиш ҳамда бутун Ўзбекистон бўйлаб ўтказиладиган барча халқаро футбол ўйинларини бошқариш ва назорат қилиш;

11) футбол, футзал ва пляж футболи ассоциацияси билан боғлиқ халқаро спорт алоқаларини бошқариш;

12) халқаро ва бошқа даражадаги мусобақаларни ўтказиш;

13) стадионга мухлисларнинг ташрифини кўпайтириш ва стадионда мухлислар учун шароитларни яхшилаш учун клублар билан мунтазам ишлаш;

14) соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлиқни сақлашнинг таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда футболни оммавий ривожлантиришга қаратилган давлат даражасидаги дастурлар ва стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

15) ҳукумат, жамоат ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда футбол жамоалари, футбол клублари ва спорт мактаблари учун захира тайёрлашда ёрдам бериш;

16) футбол иншоотларини қуриш, реконструктсия қилиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилотларга ёрдам бериш;

17) мамлакатнинг футбол билан боғлиқ бўлган спорт ташкилотлари, шу жумладан спортчилар, мураббийлар ва ҳакамлар мураббийлигини, шу жумладан спорт ва ижодий

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

ғоялар алмашинуви, танлов, мураббийлик, футболни тўлиқ ва адолатли ривожлантиришни ўз ичига олган умумий нодавлат тизимини яратиш ва унинг ишлашига кўмаклашиш;

18) футбол билан шуғулланадиган расмий шахслар (ҳакамлар, мураббийлар ва бошқалар) ва спорт фаолиятини якунлаган футболчилар учун замонавий яшаш шароитларига мослашиш тизимини яратишда ва амалга оширишда ёрдам бериш, уларнинг спорт тажрибасига асосланиб касб ва келажакда иш билан таъминланишида ёрдам бериш.

19) ижтимоий ва тиббий ёрдамга муҳтож спортчиларга молиявий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган умуммиллий дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, шу жумладан, уларнинг жамоалар ва клублардаги касбий вазифалари доирасида ёрдам бериш;

20) футболнинг оммавийлигини унинг босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, шунингдек, давлат ва нодавлат секторидаги телерадио орқали тарғиб қилиш, ушбу масалада бевосита иштирок этган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

21) ахборот материалларини, ўқув-услубий, оммабоп спорт адабиётлари ва кўргазмали воситаларни тайёрлаш, нашр этиш ва тарқатишда ёрдам бериш;

22) ўзаро манфаатдорлик асосида футболни ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳомийлар (юридик ва жисмоний шахслар) ва хорижий инвесторлар билан ишлаш;

23) футболни ривожлантиришнинг илғор тажрибасини оммалаштириш ва ўрганишга йўналтирилган ҳудудий ва халқаро конгресслар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

24) маҳаллий ва халқаро курслар, семинарлар, тренинглар, турли даражадаги мураббийлик бўйича барча даражадаги курсларни ташкил этиш, шунингдек мураббийларни тайёрлаш бўйича мураббийлик курслари ва машғулотларини ўтказиш;

25) Ўзбекистон Республикасининг ўрта ва ихтисослаштирилган мактабларини қамраб оладиган барча ёш тоифасидаги жамоалар ўртасида футбол мусобақаларини (назарий ва амалий) ташкил этиш устида ишлаш;

26) халқаро мусобақаларда (Жаҳон кубоги, Осиё кубоги, Олимпия ва Осиё ўйинларининг финал ва саралаш босқичлари ва бошқалар) иштирок этиш учун футбол жамоаларини шакллантириш бўйича иш олиб бориш;

27) футбол бўйича ўқув дастурлари, режалари ва кўрсатмаларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-услубий бўлимни шакллантириш ва молиялаштириш устида ишлаш;

28) электрон ва босма оммавий ахборот воситаларида футбол тўғрисидаги маълумотларнинг тўғри ва ўз вақтида тарқатилишини таъминлаш, мухлислар орасида нотўғри маълумотлар ва янгиликларнинг тарқалишини олдини олиш;

29) барча даражадаги футбол учрашувларини ташкил этиш орқали ҳудудий ассоциациялар, шунингдек уларнинг расмий шахслари ва футболчилари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича иш олиб бориш ва ҳудудларда футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун тегишли чораларни кўриш;

30) футболдаги зўравонлик, ирқий, миллий, сиёсий, жинсий, диний ва бошқа турдаги камситишларнинг барчасига қарши курашиш бўйича чоралар кўриш;

31) футболда допингга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, халқаро конвенциялар ва ФИФА тиббий кодексининг талабларига риоя қилиш бўйича ҳаракатларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

32) халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ФИФА, ОФК ва бошқа мамлакатларнинг аъзо ассоциациялари билан алоқаларни ўрнатиш;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

33) турли халқаро турнирларда юқори натижаларга эришган футболчиларни, шунингдек, халқаро миқёсдаги обрўсини оширишга ҳисса қўшадиган ҳакамлар ва мураббийларни рағбатлантириш устида ишлаш;

34) футбол учрашувларини трансляция қилиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа нодавлат телерадиокомпаниялари билан лицензиялаш шартномаларини тузиш;

35) Ўзбекистонда футболнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун маркетинг ишларини кенгайтириш;

36) Ўзбекистон терма жамоаларини зарур асбоб-ускуналар, моддий, спорт кийимлари, тиббий-биологик, фармакологик, фармацевтика ва бошқа тақиқланмаган воситалар билан таъминлаш, шунингдек, халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

37) имконияти чекланган шахслар ўртасида футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

38) хайрия ва хотира тадбирларида иштирок этиш, мамлакат футболига салмоқли ҳисса қўшган клублар, шахслар ва футболчилар хотирасини абадийлаштириш;

39) футбол ривожига салмоқли ҳисса қўшган футбол фахрийлари, футболчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва бошқа шахсларга, шунингдек ЎФА аъзолари ва бошқа шахсларга футболни ривожлантириш учун ҳар томонлама молиявий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;

40) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ва уставларнинг мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

3-модда. Инсон ҳуқуқлари

ЎФА халқаро миқёсда тан олинган барча инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга содиқдир ва ушбу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашга интилади.

4-модда. Камситмаслик ва тенглик

Ирқига, терисининг ранги, этник, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, жинси, ногиронлиги, тили, дини, сиёсий фикри ёки бойлиги, туғилганлиги ва бошқа сабабларга кўра хусусий шахс ёки одамлар гуруҳига нисбатан ҳар қандай камситиш ҳолати қатъиян ман этилади ва эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш ёки ЎФАга аъзоликдан чиқариб юбориш ва/ёки бошқа интизомий чоралар билан жазоланади.

5-модда. Бетарафлик ва мустақиллик

1. ЎФА сиёсат ва дин масалаларида бетарафдир.

2. ЎФА аъзолари сиёсат ва дин масалаларида бетараф бўлишлари ва ўз аъзоларининг бетараф бўлишларини таъминлаши керак.

3. ЎФА мустақил бўлиб қолади ва ҳар қандай сиёсий аралашувдан ҳоли ҳисобланади. ЎФА ўз ишларини мустақил равишда бошқаради ва ўз ишларига учинчи томонлар таъсир қилмаслигини таъминлайди.

6-модда. Дўстона муносабатларни ривожлантириш

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-11

1. ЎФА ўз аъзолари, клублар, расмий шахслар ва футболчилар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириши, шунингдек инсонпарварлик мақсадларида жамиятда шундай алоқалар йўлга қўйилишига кўмаклашиши лозим.

2. ЎФА аъзолар, клублар, расмий шахслар ва футболчилар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ички низоларни ҳал қилиш учун зарур чораларни кўради.

7-модда. Футболчилар

1. Футболчиларнинг мақоми ва уларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари Ижроия Қўмитаси томонидан ФИФАнинг "Футболчиларнинг мақоми ва трансфери тўғрисида"ги Регламентига мувофиқ тартибга солинади.

2. Футболчи ЎФА регламентига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

8-модда. Ўйин қоидалари

1. ЎФА ва унинг ҳар бир аъзоси ИФАБ томонидан чиқарилган Ўйин қоидаларига мувофиқ ассоциациявий футбол ўйнайди. Фақатгина ИФАБ ўйин қоидаларини тузиши ва ўзгартириши мумкин.

2. ЎФА ва унинг ҳар бир аъзоси ФИФА томонидан чиқарилган футзал ўйинлари қоидаларига мувофиқ футзал ўйнайди. Футзал бўйича фақат ФИФА қоидаларни ўзгартириши мумкин.

3. ЎФА ва унинг ҳар бир аъзоси ФИФА томонидан қабул қилинган пляж футболи тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ пляж футболи ўйнайди. Фақатгина ФИФА пляж футболи ўйинлари қоидаларини ўзгартириши мумкин.

9-модда. Органлар, расмий шахслар ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари

1. ЎФАнинг барча органлари ва расмий шахслари ўз фаолиятида ФИФА, ОФК, ЎФА Уставлари, қоидалари, кўрсатмалари, қарорлари ва Этика кодексига риоя қилишлари шарт.

2. Ўзбекистон ҳудудидаги ассоциациявий футбол, футзал ва пляж футболи ўйинларида иштирок этувчи ҳар бир шахс ва ташкилот ФИФА, ОФК, ЎФА Уставлари ва бошқа ҳар қандай тегишли ҳужжатларга, шунингдек, ҳалол ўйин тамойилларига риоя қилишга мажбурдир.

10-модда. Расмий тиллар

1. ЎФАнинг расмий тиллари ўзбек, рус ва инглиз тилларидир. Расмий ҳужжатлар ва матнлар ушбу тилларда ёзилади. Турли тиллардаги матнларни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, ўзбек тилида ёзилган матн устувор бўлиши керак.

2. Конгресснинг расмий тили ўзбек тили ҳисобланади.

II. АЪЗОЛИК

11-модда. Қабул қилиш, вақтинча аъзоликни тўхтатиш ва аъзоликдан чиқариш

1. Конгресс аъзоларни қабул қилиш, вақтинча аъзоликни тўхтатиш ёки чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилади.

2. Ариза берувчи ушбу Уставга мувофиқ ЎФА талабларига мувофиқ бўлса, аъзоликка қабул қилиниши мумкин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

3. Аъзолик чиқариб юбориш билан тугатилади. Аъзоликни йўқотиш аъзоларни ЎФА ёки ЎФАнинг бошқа аъзолари олдидаги молиявий мажбуриятларидан озод қилмайди, балки ЎФАга нисбатан барча ҳуқуқларнинг йўқолишига олиб келади.

4. ЎФА Конгресс доирасида барча манфаатдор томонларнинг вакиллигини таъминлаши керак. Конгрессда аёллар футболи манфаатлари ҳам етарли даражада ҳимоя этилиши керак.

12-модда. Аъзолик

ЎФА аъзолари:

1) ҳудудий футбол ассоциациялари;

2) ЎзПФЛ;

3) Суперлига клублари;

4) Про-лига клублари;

5) футболчилар гуруҳи;

6) ҳакамлар гуруҳи;

7) мураббийлар гуруҳи;

8) футбол фахрийлари гуруҳи;

9) Республика футбол бўйича спорт маҳоратини ошириш олий мактаби;

10) Республика ва ҳудудий болалар ва ўсмирлар футбол академиялари.

13-модда. Аъзоликка қабул қилиш

1. ЎФАга аъзо бўлишни истаган ҳар қандай юридик шахс ЎФА Бош Котибиятига ёзма ариза тақдим этиши лозим.

2. Аризага қуйидаги зарур ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) қонуний кучга эга бўлган Уставлари ёки фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларининг нусхаси;

б) ЎФА, ФИФА. ОФК ва МОФА Устави, регламенти ва қарорларини бажаришни зиммасига олиши тўғрисидаги ёзма кафолат хати, шунингдек ушбу қоидаларга уларнинг аъзолари риоя қилиши тўғрисидаги тасдиқнома;

в) ИФАБ томонидан белгиланган Ўйин қоидаларига, шунингдек ФИФА томонидан ўрнатилган пляж футболи ва футзал қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида декларация;

г) охирги босқичда (яъни, ЎФАнинг барча низоларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган қўмиталарга мурожаат қилингандан сўнг) ЎФА Уставлари, қоидалари, кўрсатмалари ва қарорларидан келиб чиқадиган ёки улар билан боғлиқ бўлган миллий доирадаги ҳар қандай низони фақат CASга мурожаат қилиш орқали ҳал қилиш ҳамда агар Ўзбекистон амалдаги қонунчилиги томонидан аниқ тақиқланмаган бўлса, низони Ўзбекистондаги судлар иштирокисиз ҳал қилиш тўғрисида кафолат хати;

д) ФИФА ёки ОФК ёки МОФА Уставлари, қоидалари, кўрсатмалари ва қарорларидан келиб чиқадиган ёки улар билан боғлиқ бўлган халқаро миқёсдаги ҳар қандай низо фақат охирги босқичда ФИФА ва ОФК Уставида кўрсатилганидек CASга юборилиши мумкинлиги тўғрисида кафолат хати;

е) ФИФА, ОФК, МОФА Уставида ва унинг қарорларида белгиланган CAS юрисдикциясини тан олганлиги тўғрисида ёзма кафолат хати;

ё) ариза берувчининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашганлиги ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумот;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

ж) ариза берувчининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳар қандай ташқи субъектдан мустақил равишда қарор қабул қилиши мумкинлигига кафолат берганлиги тўғрисида маълумот;

з) сайлов ёки тайинланиш қоидаларининг тўлиқ мустақиллиги кафолатланган тартиб натижасида ўз органлари аъзолари сайланганлиги ёки тайинланганлигини тасдиқловчи маълумот;

и) учинчи шахслар билан қонуний шартномалар тузиш ҳуқуқига эга ваколатли имзоловчиларни кўрсатадиган расмий шахсларнинг рўйхати;

й) талабгор таъсис ҳужжатига кўра раҳбар органининг ЎФАга аъзо бўлиш масаласи кўрилган йиғилиш баённомаси нусхаси;

к) заруратга кўра, ЎФАнинг олдиндан розилиги билан ўртоқлик учрашувларини ташкил этиш ёки уларда иштирок этишни ўз зиммасига олганлиги тўғрисида декларация;

л) заруратга кўра, ўзининг барча расмий уй баҳсларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиши тўғрисидаги ёзма кафолат хати.

14-модда. Ариза ва сўров билан мурожаат қилиш тартиби

1. Қабул қилиш тартиби Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган махсус қоидалар билан тартибга солинади.

2. Ижроия Қўмита Конгресдан ариза берувчини қабул қилишини ёки қабул қилмаслиги бўйича сўров юборади. Ариза берувчи Конгрессга ариза бериш сабабларини кўрсатиб ўтиши мумкин.

3. Янги аъзо аъзоликка қабул қилингандан сўнг аъзолик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини олади. У томонидан сайланган делегатлар шундан сўнг овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлади.

15-модда. Аъзоларнинг ҳуқуқлари

1. ЎФА аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Конгрессда қатнашиш, унинг кун тартибини олдиндан олиш, белгиланган муддат ичида Конгрессга чақирилиш, баҳс ва мунозараларда қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланиш;

б) Конгресс кун тартибига киритиш учун таклифлар тузиш;

в) ЎФАнинг тегишли органларига сайловларга номзодларни кўрсатиш;

г) ЎФА ишларидан расмий органлари орқали хабардор бўлиш;

д) ЎФА томонидан ташкил этиладиган мусобақаларда (заруратга кўра) ва / ёки бошқа спорт тадбирларида қатнашиш;

е) ЎФА Устави ва қоидаларидан келиб чиқадиган барча бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;

2. Ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш ЎФА Устави ва бошқа амалдаги регламентининг қоидаларига асосан амалга оширилади.

16-модда. Аъзоларнинг мажбуриятлари

1. ЎФА аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

а) доимо ФИФА, ОФК, МОФА ва ЎФА Устави, регламенти, кўрсатмалари ва қарорларига тўла мувофиқликда ҳаракат қилиш ва ўз аъзоларининг уларга риоя қилишини таъминлаш;

б) ўзининг қарор қабул қилувчи органларига сайловларни амалга ошириш;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

в) ЎФА томонидан ташкил этиладиган мусобақаларда (заруратга кўра) ва бошқа спорт тадбирларида қатнашиш;

г) аъзолик бадал(йиғим)ларини ва ЎФА томонидан белгиланган бошқа тўлов мажбуриятларини тўлаш;

д) ИФАБ томонидан белгиланган ўйин қоидаларига, шунингдек ФИФА томонидан ўрнатилган пляж футболи ўйинлари ва/ёки футзал ўйини қоидаларига риоя қилиш ва уларнинг аъзолари томонидан ҳурмат қилинишини таъминлаш;

е) охирги босқичда (яъни, ЎФАнинг барча низоларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган қўмиталарга мурожаат қилингандан сўнг) ЎФА Уставлари, қоидалари, кўрсатмалари ва қарорларидан келиб чиқадиган ёки улар билан боғлиқ бўлган миллий доирадаги ҳар қандай низони фақат CASга мурожаат қилиш орқали ҳал қилиш ҳамда агар Ўзбекистон амалдаги қонунчилиги томонидан аниқ тақиқланмаган бўлса, низони Ўзбекистондаги судлар иштирокисиз ҳал қилиш тўғрисида қоидаларни ўз ички ҳужжатларида тегишли бандни қабул қилиш;

ё) ФИФА ёки ОФК ёки МОФА Уставидан, қоидаларидан, кўрсатмаларидан ва қарорларидан келиб чиқадиган ёки улар билан боғлиқ бўлган халқаро доирадаги ҳар қандай низо фақат охирги босқичда ФИФА, ОФК ва МОФА Уставида кўрсатилганидек CASга юборилиши мумкинлиги тўғрисида ўз ички ҳужжатларида тегишли бандни қабул қилиш;

ж) ўз ишларини мустақил равишда бошқариш ва ўз ишларига ушбу Уставнинг 20-моддасига мувофиқ учинчи шахслар таъсир қилмаслигини таъминлаш;

з) аъзоларнинг органларига сайлов ёки тайинловларнинг тўлиқ мустақиллигини кафолатлайдиган тартибда сайланиши ёки тайинланишини таъминлаш;

и) ЎФАга унинг Устав ва қоидаларига киритилган ҳар қандай ўзгартиришларни, шунингдек учинчи шахслар билан қонуний мажбурий шартномалар тузиш ҳуқуқига эга имзо чекувчи расмий шахслар рўйхати тўғрисида хабардор қилиш;

й) тан олинмаган ташкилотлар ёки фаолияти тўхтатиб қўйилган ёки чиқариб юборилган аъзолар билан спорт характеридаги ҳар қандай муносабатларни сақламаслик;

к) қоидалар орқали ҳалол ўйин ифодаси сифатида садоқат, ҳалоллик ва яхши спорт хулқ-атворига риоя қилиш;

л) Ушбу Уставнинг 13-модда 2-банди бўйича белгиланган мажбурий ҳужжатларга риоя қилиш (ҳужжатларниг амал қилиш муддати давомида);

м) аъзоликнинг доимий ва янгиланадиган ҳисобини юритиш;

н) ушбу Устав талабларига ўз таъсис ҳужжатларини мувофиқ;лаштириш;

о) ФИФА, ОФК ва ЎФА Уставлари ва бошқа қоидаларидан келиб чиқадиган барча бошқа вазифаларни тўлиқ бажариш.

2. Юқоридаги мажбуриятларнинг ҳар қандай аъзо томонидан бузилиши мазкур Уставда кўзда тутилган санкциялар қўлланишига олиб келиши мумкин.

3. Мазкур модда 1-банди "ж" кичик бандининг бузилиши, ҳатто учинчи томон таъсирида манфаатдор аъзонинг айби бўлмаса ҳам, мазкур Уставда келтирилган санкциялар қўлланишига олиб келиши мумкин. ЎФАнинг ҳар бир аъзоси ўз аъзоларининг қўпол равишда бепарволиги ёки қасддан содир этган хатти-ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган ҳар қандай ҳолат учун масъулдир.

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

17-модда. Аъзоликнинг тўхтатилиши

1. Конгресс аъзоликни тўхтатиб туриш учун жавобгардир. Ижроия Қўмита, шу билан бирга ўз мажбуриятларини жиддий равишда ва / ёки бир неча бор бузган аъзони аъзолигини вақтинча тўхтатиб қўйиши мумкин. Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган тўхтатиб туриш, агар Ижроия Қўмитаси бу вақт ичида бекор қилмаса, кейинги Конгрессгача давом этади.

2. Тўхтатишни кучга кириши учун овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Аъзолар вакили бўлган делегатларнинг кўпчилиги (50% дан кўпроғининг) иштирок этиши зарур. Конгресс ёки Ижроия Қўмита томонидан аъзоликнинг тўхтатиб қўйилиши кейинги Конгрессда берилган овозларнинг тўртдан уч қисми кўпчилиги билан тасдиқланади. Агар у тасдиқланмаса, тўхтатиб туриш ўз ўзидан бекор қилинади.

3. Вақтинча аъзоликнинг тўхтатилиши аъзолик ҳуқуқларидан маҳрум қилади. Бошқа аъзолар тўхтатиб қўйилган аъзо билан спорт алоқаларини ўтказа олмайди. Этика қўмитаси қўшимча санкцияларни қўллаши мумкин.

4. ЎФАнинг спорт фаолиятида кетма-кет уч йил давомида қатнашмаган аъзолар Конгрессда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилади ва уларнинг вакиллари бу борадаги мажбуриятларини бажармагунча сайланиш ёки тайинланиш имкониятига эга бўлмайдилар.

18-модда. Аъзоликдан чиқарилиш

1. Конгресс аъзони, агар у ФИФА, ОФК ва ЎФА Уставини ёки қарорларини жиддий равишда ва такроран бузса аъзоликдан чиқариб юбориши мумкин.

2. Конгрессда овоз бериш ҳуқуқига эга аъзолар вакили бўлган делегатларнинг кўпчилиги (50% дан кўпроғи) иштирок этиши, чиқариб юбориш ҳақиқий бўлиши учун зарурдир ва чиқариб юбориш тўғрисидаги масалага овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг тўртдан уч қисми ёқлаб овоз берган бўлишлари керак.

19-модда. Аъзоликдан чиқиш

1. Аъзо футбол мавсуми охиридан бошлаб аъзоликдан чиқиши мумкин. Аъзоликдан чиқиш тўғрисидаги хабарномани Бош котибиятга футбол мавсуми тугашидан камида олти ой олдин етказиши керак.

2. Аъзоликдан чиқишни истаган аъзо ЎФА ва унинг бошқа аъзолари олдидаги молиявий мажбуриятларини бажармагунча аъзоликдан чиқиш ҳақиқий ҳисобланмайди.

20-модда. Аъзолар ва уларнинг органларининг мустақиллиги

1. Ҳар бир Аъзо ўз ишларини мустақил равишда ва учинчи томонларнинг асоссиз таъсирисиз бошқариши керак.

2. Аъзоларнинг органлари сайланади ёки тайинланади. Аъзолар тўғрисидаги низомда сайлов ёки тайинланишнинг тўлиқ мустақиллигини кафолатлайдиган шаффоф жараён кўзда тутилган.

3. Мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ сайланмаган ёки тайинланмаган ҳар қандай аъзонинг органлари хатто вақтинча бўлса ҳам, ЎФА томонидан тан олинмайди.

4. Мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ сайланмаган ёки тайинланмаган органлар томонидан қабул қилинган қарорлар ЎФА томонидан тан олинмайди.

21-модда. Клублар, Ўзбекистон Профессионал футбол Лигаси, ҳудудий футбол ассоциациялари ва бошқа ЎФА аъзоларининг мақоми

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

1. Клублар, ЎзПФЛ, ҳудудий футбол ассоциациялари ёки ЎФАнинг бошқа аъзолари ЎФАга бўйсунади ва ЎФА томонидан тан олинади. Ўзбекистон ҳудудида фақат битта юқори даражадаги миллий лига бўлиши керак.

2. Ушбу Устав ваколат доирасини ва мазкур модданинг 1-бандда кўрсатилган субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди. Уларнинг Уставлари ва қоидалари ЎФА Устави ва регламенти талаблари ва мажбуриятларига мувофиқ бўлиши керак. ЎФА ҳакамлик, допингга қарши кураш, футболчиларни рўйхатга олиш, клубларни лицензиялаш, интизомий жазо чораларини қўллаш, шу жумладан ахлоқий қоидабузарликлар учун, шунингдек мусобақаларнинг яхлитлигини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чораларни тартибга солиш бўйича асосий ваколатли ташкилот ҳисобланади.

3. Мазкур модданинг 1-бандда кўрсатилган субъектлар ўзларининг аъзолигига оид ҳар қандай масалалар бўйича барча қарорларни ҳар қандай ташқи ташкилотдан мустақил равишда қабул қилишади. Ушбу мажбурият уларнинг корпоратив тузилишидан қатъи назар амал қилади.

4. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бирон бир жисмоний ёки юридик шахс (шу жумладан холдинг компаниялари ва шўъба корхоналари) бирон бир ўйин ёки мусобақанинг яхлитлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолларда бир нечта клуб ёки клублар гуруҳи устидан назоратни амалга ошириши мумкин эмас.

III. ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТ ВА ФАХРИЙ АЪЗО

22-модда. Фахрий президент ва фахрий аъзо

1. Конгресс ҳар қандай кишига футболга хизмат кўрсатганлиги учун фахрий президент ёки фахрий аъзо унвонини бериши мумкин.

2. Ижроия Қўмитаси ушбу номзодларни тақдим этади.

3. Конгрессда фахрий президент ёки фахрий аъзо қатнашиши мумкин. Улар мунозараларга қўшилишлари мумкин, аммо овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

IV. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

23-модда. Бошқарув органлари

1. Конгресс ЎФАнинг энг юқори турувчи олий органидир.

2. Ижроия Қўмитаси ижро этувчи ва назорат қилувчи органдир.

3. Бош котибият оператив ва маъмурий органдир.

4. Доимий ва вақтинчалик қўмиталар, комиссиялар Ижроия Қўмита ва Бош котибиятга ўз вазифаларини бажаришда маслаҳат ва ёрдам беришади.

5. Клубларни лицензиялаш органлари Ўзбекистонда клубларни лицензиялаш тизимига жавобгардир.

6. Мустақил қўмиталар ўзларининг вазифаларини ушбу Устав ва амалдаги қоидалар акс этган ҳужжатларга мувофиқ амалга оширадилар. Мустақил қўмиталарга Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси, Сайлов қўмиталари ва Юрисдикция органлари киради.

7. Юрисдикция органларига эса Тартиб-интизом қўмитаси, Этика қўмитаси, Апелляция қўмитаси киради.

8. Ушбу органлар ЎФАнинг ўзи томонидан сайланади ёки тайинланади, улар ҳеч қандай ортиқча ташқи таъсирсиз ва ушбу Уставда белгиланган тартибда ўз фаолиятини

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI

амалга оширади. Органлар аъзолари ўз лавозимига мос келмайдиган жиноий жавобгарликка тортилмаган бўлишлари керак.

9. Агар органларнинг ҳар қандай аъзоси манфаатлар тўқнашуви хавфи ёки эҳтимоли бўлса, мунозарадан ва қарор қабул қилишдан бош тортиши керак. Хусусан, органлар аъзолари ҳар доим ФИФА Этика кодексининг манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги тегишли қоидаларини билишлари ва уларга риоя қилишлари ва ўзларининг хатти-ҳаракатларини заруратларга кўра тартибга солишлари керак (масалан, ўз вазифаларини бажаришдан тийилиш, мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувида бу ҳақда раисга хабар бериш ва бошқалар).

24-модда. Бошқарув органи аъзосини ўз лавозимидан озод қилиш

1. Конгресс органлар аъзосини ўз лавозимидан озод қилиши мумкин. ЎФА Ижроия Қўмитаси ҳам, мустақил қўмиталар аъзоларидан ташқари, бошқа органлар аъзосини вақтинча ўз лавозимидан озод қилиши мумкин. Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган вақтинча ўз лавозимидан озод қилиш, агар Ижроия Қўмитаси бу вақт ичида мазкур ҳолатни бекор қилмаса, кейинги Конгресс томонидан тасдиқланади. Агар навбатдаги Конгрессда сайлов бўлиб ўтиши режалаштирилган бўлса, ўз лавозимидан озод қилинган аъзонинг сайловдан олдинги Конгрессда қандай тартибда ўз лавозимидан озод қилинганлиги тўғрисидаги якуний қарорга қараб шартли равишда сайланадиган номзод бўлишига (тегишли мувофиқлик мезонларини бажариши шарти билан) рухсат берилади.

2. Ўз лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоснома асосли бўлиши керак ва тегишли кун тартиби билан бирга Ижроия Қўмита аъзоларига ва/ёки ЎФА аъзоларига юборилади.

3. Ушбу орган аъзоси Ижроия Қўмитаси ва / ёки Конгресс олдида ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

4. Ўз лавозимидан озод қилиш тўғрисида илтимоснома Ижроия Қўмитасида ва/ёки Конгрессда яширин овоз бериш йўли билан ҳал қилинади. Таклифни қабул қилиш учун берилган овозларнинг учдан икки қисми талаб қилинади.

5. Ўз лавозимидан озод қилинган аъзо (вақтинча ёки доимий) қарор кучга кириши билан дарҳол ўз вазифаларидан озод қилинади.

А. КОНГРЕСС

25-модда. Конгресс ва унинг мақоми

1. Конгресс - бу барча аъзоларнинг мунтазам равишда йиғиладиган йиғилиши. У ЎФАнинг олий бошқарув органи мақомини ифода этади. Фақат доимий йиғиладиган Конгресс қарорлар қабул қилиш ваколатига эга.

2. Конгресс вакили демократия тамойилларига мувофиқ тузилади ва футболда гендер тенглиги муҳимлигини ҳисобга олади.

3. Конгресс навбатдаги ва навбатдан ташқари бўлиши мумкин. Конгресс бевосита Конгресс иштирокчиларининг шахсан иштироки билан, телеконференция, видеоконференция орқали ёки алоқанинг бошқа воситалари ёрдамида ўтказилиши мумкин.

4 Президент ушбу Уставга, ЎФА Конгрессини олиб бориш қоидалари ва амалдаги ҳар қандай ЎФА қоидаларига мувофиқ Конгрессни бошқаради.

O'ZBEKISTON VAZIRLIGI
BO'YXATGA
OLINDI
-2-

5. Ижроия Қўмита Конгрессда мунозара ёки овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашадиган кузатувчиларни тайинлаши мумкин.

6. Конгрессда фахрий президентлар ёки фахрий аъзолар иштирок этишлари мумкин. Улар мунозараларга қўшилишлари мумкин, аммо овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

26-модда. Делегатлар ва уларнинг сайланиш тартиби

1. Конгресс 72 делегатдан иборат. Делегатлар сони қуйидагича тақсимланади:

а) 14 ҳудудий футбол ассоциацияларининг ҳар бири учун: иккита (2) делегат (жами 28 делегат);

б) ЎзПФЛ учун: битта (1) делегат;

в) Суперлиганинг 14 клубининг ҳар бири учун: битта (1) делегат (жами 14 делегат);

г) Про-лиганинг 10 та клубининг ҳар бири учун: битта (1) делегат (жами 10 та делегат);

д) Футболчилар гуруҳи учун: битта (1) делегат;

е) Ҳакамлар гуруҳи учун: битта (1) делегат;

ё) мураббийлар гуруҳи учун: битта (1) делегат;

ж) Футбол фахрийлари гуруҳи учун: битта (1) делегат;

з) футбол бўйича Республика олий маҳорат мактаби учун: битта (1) делегат;

и) ҳар бир Республика ва ҳудудий болалар ва ўсмирлар футбол академиялари учун: битта (1) делегат (жами 14 делегат).

2. Делегатлар улар ифода этаётган аъзога тегишли бўлиши ва ушбу аъзонинг тегишли органи томонидан тайинланиши ёки сайланиши, шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши лозим.

3. Ҳар бир делегат Конгрессда битта овозга эга. Фақат ҳозир бўлган делегатлар овоз бериш ҳуқуқига эга. Телеконференцияда, видеоконференцияда ёки бошқа алоқа воситасида қатнашиш Конгрессда иштирок этиш ҳисобланади. Шахсан иштирок этиши талаб этиладиган Конгрессда ишончли вакил ёки хат орқали овоз беришга йўл қўйилмайди. Конгресс телеконференция, видеоконференция ёки бошқа алоқа воситасида ўтказилганда, ёзишмалар ва/ёки онлайн тарзда овоз беришга рухсат берилади.

4. Ижроия Қўмита аъзолари ва Бош котиб Конгрессда овоз бериш ҳуқуқисиз катнашадилар. Ижроия Қўмита аъзолари ваколат муддати давомида Конгрессга делегат этиб тайинланиши мумкин эмас.

27-модда. Ваколатлар доираси

Конгресс қуйидаги ваколатларга эга:

а) ушбу Уставни ва ЎФА Конгрессини олиб бориш қоидаларини қабул қилиш ёки ўзгартириш;

б) Конгресс баённомасини текшириш учун учта аъзони тайинлаш ва охирги йиғилиш баённомасини тасдиқлаш;

в) Президент, вице-президент (лар) ва Ижроия Қўмита аъзоларини сайлаш;

г) Ижроия Қўмитасининг таклифига биноан мустақил қўмиталар раисларини, раис ўринбосарларини ва аъзоларини сайлаш (яъни Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси, Сайлов қўмиталари ва Юрисдикция органлари);

д) овозларни ҳисоблаш ва Бош котибга сайлов учун берилган бюллетенларни тарқатишда ёрдам бериш учун текширувчиларни тайинлаш;

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

е) консолидация қилинган молиявий ҳисобот ва йиллик ҳисоботни ўз ичига олган йиллик аудиторлик ҳисоботини тасдиқлаш;

ё) бюджетни тасдиқлаш;

ж) фаолият тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш (ЎФАнинг сўнгги Конгресдан кейинги фаолиятини ўз ичига олган ҳолда);

з) Ижроия Қўмитанинг таклифига биноан мустақил ва ташқи аудиторларни тайинлаш;

и) Ижроия Қўмитанинг таклифига биноан аъзолик бадал(йиғим)ларини ўрнатиш;

й) Ижроия Қўмитанинг таклифига биноан фахрий президент ёки фахрий аъзо унвонини бериш;

к) аъзони қабул қилиш, аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш ёки аъзоликдан чиқариб юбориш;

л) ЎФА органи аъзосини ўз лавозимидан озод қилиш;

м) ЎФАни тугатиш;

н) ушбу Уставга мувофиқ аъзонинг илтимосига биноан қарор қабул қилиш ёки ушбу Уставга мувофиқ Конгрессга ишониб топширилган қарорни қабул қилиш;

28-модда. Конгресс кворуми

1. Конгресс томонидан қабул қилинган қарорлар фақат овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аъзолар вакили бўлган делегатларнинг кўпчилиги (50% дан кўпроғи) иштирок этган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

2. Агар кворум йиғилмаса, иккинчи Конгресс худди шу кун тартибида 24 соат ичида ўтказилади.

3. Агар кун тартибидаги бандлардан бири ЎФА Уставига ўзгартириш киритиш, Президент ёки Вице-президентлар ёки Ижроия Қўмитаси аъзоларини сайлаш, мустақил қўмиталар раисларини, раис ўринбосарларини ва аъзоларини сайлаш, ЎФА органларидан бирининг бир ёки бир нечта аъзосини ўз лавозимидан озод қилиш, аъзонинг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки чиқариб юбориш ёки ЎФАни тугатишни назарда тутмаса, иккинчи йиғилиш учун кворум талаб қилинмайди.

4. Ушбу Уставга мувофиқ Конгресс чақирилган ва тузилган деб эълон қилингандан сўнг, кворумга Конгрессда қатнашмаётган делегатлар таъсир қилмайди.

29-модда. Конгресс қарорлари

1. Овоз беришни талаб қиладиган қарор, агар Конгресс томонидан бошқача қарор қабул қилинмаган бўлса, қўлларни кўтариш ёки электрон ҳисоблаш йўли билан қабул қилинади. Агар қўлларни кўтариш кимнингдир фойдасига соф кўпчиликни аниқлаш имконини бермаса, овоз бериш лавозимларни алифбо тартибида чақириш йўли билан ўтказилади.

2. Агар ушбу Уставда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарорнинг ҳақиқий бўлиши учун берилган овозларнинг кўпчилиги (50% дан кўпроғи) етарли. Кўпчиликни ҳисоблашда бўш бюллетенлар, яроқсиз овозлар ёки ҳар қандай тарзда манипуляция қилинган электрон овозлар, шунингдек бетараф қолганлар эътиборга олинмайди.

30-модда. Сайлов

1. Сайлов яширин овоз бериш орқали ўтказилади. Агар номзодлар сони бўш лавозимлар сонига тенг бўлса, сайлов очиқ овоз бериш йўли билан (яъни карточкалар ёки қўл кўтариш билан) ўтказилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIDAN OLINDI
-2-

2. Сайлов ЎФА Сайлов кодексига мувофиқ ўтказилади ва Сайлов қўмитаси томонидан назорат қилинади.

3. Ижроия Қўмитасидаги лавозимларга сайловлар позициялар бўйича бўлиб ўтади. Аёл номзод учун камида битта аъзолик жойи мавжуд бўлиши керак. Сайловда Ижроия Қўмитаси таркибига номзодларнинг ҳар бири камида 3 (учта) аъзо томонидан таклиф қилинади. Ҳар бир аъзо ҳар бир берилган лавозим учун фақат битта номзодни қўллаб-қувватлайди. Агар аъзо бир нечта номзодни қўллаб-қувватласа, унинг ҳеч қандай қўллаб-қувватлаши ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

4. ЎФА Президенти ва вице-президент (лар) ни сайлаш учун, агар иккита ёки ундан кам номзод бўлса, берилган овозларнинг кўпчилиги (50% дан кўпроғи) зарур. Агар Президент лавозимига ёки вице-президентларнинг бирон бир лавозимига иккитадан ортиқ номзод бўлса, биринчи овоз беришда берилган овозларнинг учдан икки қисми (2/3) кўпчилик овози зарур. Агар бирон бир номзод биринчи босқичда овоз бериш жараёнида овоз берувчиларнинг учдан икки қисмининг (2/3) овозини олмаса, барча номзодлар иккинчи босқичга ўтади. Иккинчи босқичдан бошлаб, ким энг кам овоз тўплаган бўлса, ҳар бир овоз бериш босқичидан кейин чиқариб ташланади. Ушбу жараён (заруратга кўра) иккита номзод қолгунча ва кўпчилик (50% дан кўпроқ овоз) эришилгунга қадар давом этади.

5. Ижроия Қўмитанинг бошқа аъзоларини сайлаш учун бўш ўрин (лар) га бўйича энг кўп овоз олган номзодлар (лар) сайланади.

6. Мустақил қўмиталар (масалан, Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси, Сайлов қўмиталари ва Юрисдикция органлари) раисларини, раис ўринбосарларини ва аъзоларини сайлаш учун, бўш ўрин (лар) га бўйича энг кўп овоз олган (лар) номзод (лар) сайланади. Ушбу сайловлар умумий рўйхат асосида ўтказилиши мумкин. Шу билан бирга, аъзолар вакили бўлган камида икки (2) делегатнинг илтимосига биноан маълум бир номзод учун алоҳида овоз бериш амалга оширилади.

7. Ҳар қандай органнинг ҳар қандай сайловида овозлар тенг бўлса, иккита янги сайлов босқичи ушбу моддада белгиланган тартибда ўтказилади. Агар овозлар тенг бўлиб қолса, ушбу Уставга мувофиқ янги сайловларни давом эттириш учун янги сайланадиган Конгресс йиғилгунига қадар тегишли лавозим бўш қолади.

8. Кўпчиликни ҳисоблашда бўш бюллетенлар, бекор қилинган овозлар ёки ҳар қандай тарзда манипуляция қилинган электрон овозлар, шунингдек бетараф қолганлар эътиборга олинмайди.

9. Ижроия Қўмитанинг ҳар қандай лавозимига номзодлар Сайлов Конгресси ўтказилишидан камида 30 кун олдин Бош котибиятга юборилади. Ижроия Қўмитаси аъзолигига сайланадиган номзодларнинг расмий рўйхати Сайлов Конгресси ўтказилишидан камида камида 10 (ўн) кун олдин ЎФА аъзоларига топширилиши керак. Ушбу бандниг коидалари, навбатдан ташқари Конгресс пайтида сайловлар ўтказилганда ҳам қўлланилади.

10. Мустақил қўмиталарнинг ҳар қандай лавозимига номзодлар (яъни Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси, Сайлов қўмиталари ва Юрисдикция органлари) ЎФА аъзоларига ушбу аъзолар сайланадиган Конгресдан камида 10 кун олдин топширилиши керак.

31-модда. Навбатдаги Конгресс

1. Навбатдаги Конгресс ҳар йили ўтказилади.

2. Ижроия Қўмитаси навбатдаги Конгрессни ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди. Аъзолар камида 45 (қирқ беш) кун олдин ёзма равишда хабардор қилиниши лозим.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA
-2-

3. Аъзо Конгрессга тақдим этишни истаган ҳар қандай таклиф, Конгресс ўтказиладиган кундан камида 30 (ўттиз) кун олдин ёзма равишда, қисқача тушунтириш билан юборилади.

4. Расмий чақириш Конгресс ўтказиладиган кундан камида 10 (ўн) кун олдин ёзма равишда амалга оширилади. Мазкур чақирик кун тартиби, ЎФА фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, молиявий ҳисобот, мустақил аудитор ҳисоботи, бошқа тегишли ҳужжатлардан иборат бўлиши зарур.

32-модда. Навбатдаги Конгресс кун тартиби

1. Бош котиб кун тартибини Ижроия Қўмита ва аъзоларнинг таклифлари асосида тузади.

2. Конгресс кун тартибига қуйидаги мажбурий масалалар киритилиши керак (хронологик тартибда):

а) Конгресс ушбу Уставга мувофиқ чақирилган ва тузилганлиги тўғрисида баёнот;

б) кун тартибини тасдиқлаш;

в) Президентнинг мурожаатномаси;

г) йиғилиш баённомасини текшириш учун Конгресс аъзоларини тайинлаш;

д) ҳисоб комиссияси аъзоларини (сайловлар натижалари тўғрилигини текшириш бўйича) тайинлаш;

е) Аъзоларнинг вақтинча аъзолигини тўхтатиб туриш ёки аъзоликдан чиқариб юбориш (заруратга кўра);

ё) олдинги Конгресс баённомасини тасдиқлаш;

ж)фаолият тўғрисидаги ҳисобот (сўнгги Конгресдан кейинги фаолиятни ўз ичига олган);

з) консолидацияланган ва қайта кўриб чиқилган балансни, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек мустақил ва ташқи аудиторларнинг ҳисоботини тақдим этиш;

и) текширилган молиявий ҳисоботни тасдиқлаш;

й) бюджетни тасдиқлаш;

к) ушбу Уставга ва ЎФА Конгрессини олиб бориш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларга овоз бериш (заруратга кўра);

л) ушбу Уставнинг 31-моддаси 3-бандида назарда тутилган тартибда аъзолар ва Ижроия Қўмита томонидан киритилган таклифларни муҳокама қилиш;

м) Ижроия Қўмитанинг таклифига биноан мустақил ва ташқи аудиторларни тайинлаш (заруратга кўра);

н) ЎФА органи аъзосини ўз лавозимидан озод қилиш (заруратга кўра);

о) Президент, вице-президент(лар) ва Ижроия Қўмита аъзоларини сайлаш (заруратга кўра);

п) мустақил қўмиталар, яъни Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси, Сайлов қўмиталари ва Юрисдикция органлари аъзоларини сайлаш (заруратга кўра);

р) аъзоликка қабул қилиш (заруратга кўра).

3. Конгресс кун тартибига киритилмаган ҳар қандай масала бўйича қарор қабул қилмайди.

4. Навбатдаги Конгресснинг кун тартиби, агар Конгрессда иштирок этаётган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аъзоларнинг тўртдан уч (3/4) қисми бунга рози бўлса, ўзгартирилиши мумкин.

33-модда. Навбатдан ташқари Конгресс

1. Ижроия Қўмита ҳар қандай вақтда Навбатдан ташқари Конгрессни чақириши мумкин.

2. ЎФА аъзолари вакили бўлган делегатларнинг учдан бир қисми (1/3) ёзма равишда сўров билан мурожаат қилса Ижроия Қўмита Навбатдан ташқари Конгрессни чақиради. Сўровда кун тартибига киритиладиган масалалар кўрсатилиши керак. Навбатдан ташқари Конгресс сўров олинган кундан бошлаб кўпи билан ўттиз (30) кун ичида ўтказилади. Агар Навбатдан ташқари Конгресс чақирилмаса, уни сўраган аъзолар вакили бўлган делегатлар Конгрессни ўзлари чақиришлари мумкин.

Бунда улар барча ЎФА аъзоларига ва Ижроия Қўмитасига Навбатдан ташқари Конгресснинг кун тартиби, ўтказилиш санаси ва жойи тўғрисида мазкур модда 3-бандига асосан хабар беришлари керак.

3. Аъзолар Навбатдан ташқари Конгресс ўтказилишидан камида 10 кун олдин жой, сана ва кун тартиби тўғрисида хабардор қилинади.

4. Ижроия Қўмита ташаббуси билан Навбатдан ташқари Конгресс чақирилганда, у кун тартибини тузиши керак. У Аъзоларнинг илтимосига биноан чақирилганда, кун тартибида ушбу Аъзолар томонидан билдирилган фикрлар бўлиши лозим.

5. Навбатдан ташқари Конгрессни кун тартиби ўзгармаслиги лозим.

34-модда. ЎФА Устави ва ЎФА Конгрессини олиб бориш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш

1. Конгресс ушбу Уставга ва Конгрессни олиб бориш қоидаларига ўзгартириш киритиш учун жавобгардир (заруратга кўра).

2. Ушбу Уставга ва Конгрессни олиб бориш қоидаларига ўзгартириш киритиш бўйича ҳар қандай таклиф ёзма равишда Бош котибиятга аъзо ёки Ижроия Қўмита томонидан қисқача тушунтириш билан тақдим этилиши керак. Аъзо вакили бўлган делегатлар томонидан тақдим этилган таклиф, агар у аъзоларни ифодаловчи камида учта бошқа делегатлар томонидан ёзма равишда қўллаб-қувватланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

3. Уставга ва Конгрессни олиб бориш қоидаларига киритилган ўзгартиришлар учун овоз бериш ҳақиқий бўлиши учун овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аъзолар вакили бўлган делегатларнинг кўпчилиги (50% дан кўпроғи) иштирок этиши керак.

4. Ушбу Уставга ва Конгрессни олиб бориш қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклиф фақатгина иштирок этаётган ва овоз бериш ҳуқуқига эга аъзоларнинг вакили бўлган делегатларнинг тўртдан уч қисми кўпчилиги унга рози бўлган тақдирдагина қабул қилинади.

35-модда. Конгресс баённомаси

Конгрессда баённомасини ёзиш учун Бош котиб жавобгардир. Баённома белгиланган аъзолар томонидан текширилади ва кейинги Конгрессда якуний тарзда тасдиқланади.

36-модда. Қарорларнинг кучга кириш санаси

Конгресс томонидан қабул қилинган қарорлар, агар ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса ёки Конгресс қарорни кучга киритиш учун бошқа санани белгиламаган бўлса, Конгресс тугагандан сўнг дарҳол кучга киради.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI DAVLAT RO'YXATIDA -2-

Б. ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

37-модда. Ижроия Қўмитаси таркиби

1. Ижроия Қўмитаси 13 аъзодан иборат бўлиб қуйидагича таркибда шакллантирилади:

а) 1 Президент;

б) 1 биринчи вице-президент;

в) 2 та вице-президент;

г) камида биттаси аёл аъзо бўлган 9 та аъзо.

2. Президент, вице-президентлар ва Ижроия Қўмитанинг бошқа аъзолари ушбу Уставнинг 30 моддасига мувофиқ Конгресс томонидан сайланади. Улар сайланишидан ёки қайта сайланишидан олдин Сайлов Қўмитаси томонидан ўтказиладиган ҳалоллик текширувидан ўтказилади.

3. Президент, вице-президентлар ва Ижроия Қўмита аъзоларининг ваколатлари тўрт йилга мўлжалланган. Уларнинг ваколатлари уларни сайлаган Конгресс тугагандан сўнг дарҳол бошланади ва уларнинг ўрнига бошқа аъзолар сайланган Конгресс охирида тугайди.

Ҳеч ким уч мартадан ортиқ президент лавозимида ишлай олмайди (кетма-кет ёки бошқа шаклда). Ижроия Қўмитанинг бошқа барча аъзолари (шу жумладан ҳар қандай вице-президент) уч мартадан кўп бўлмаган муддатда ишлай олишлари мумкин (кетма-кет ёки бошқа шаклда). Айни бир шахс сурункасига уч муддатдан ортиқ ЎФА Президенти бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай ваколат муддати, (масалан, икки йиллик муддат) Президентнинг ваколати муддатидан ташқари, битта тўлиқ муддат деб ҳисобланади. Бошқа Президентнинг қолган муддати ўрнини эгаллаган муддатлар Президентнинг муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди.

4. Ижроия Қўмитанинг барча аъзолари футбол соҳасида фаолият олиб борган ва ушбу Уставнинг 23-моддаси 8-бандида назарда тутилган шартларни бажаришлари керак.

5. Ижроия Қўмита аъзоси бир вақтнинг ўзида мустақил қўмита аъзоси бўлиши мумкин эмас ва Конгрессда аъзонинг вакили сифатида тайинланиши / сайланиши мумкин эмас.

6. Агар Ижроия Қўмита аъзолиги учун лавозим (лар) 50% гача бўш бўлса, Ижроия Қўмита ушбу лавозимни (лавозимларни) кейинги Конгрессга қадар тўлдиради, бу лавозим(лар)га сайланганлар мазкур лавозим(лар) ваколат муддатининг қолган даври учун сайланади.

7. Ижроия Қўмитанинг 50 фоиздан кўпроғи бўш қолса, Бош котиб белгиланган муддат ичида Навбатдан ташқари Конгрессни чақиради.

8. Ижроия Қўмитадаги ҳар қандай лавозим, лавозим эгаси вафот этганида, истеъфога чиққан тақдирда ёки тегишли аъзо расмий вазифасини бажаришига доимий равишда тўсқинлик қилинган тақдирда бўш деб ҳисобланади.

38-модда. Ижроия Қўмитаси йиғилиши

1. Ижроия Қўмита йилига камида тўртта йиғилиш ўтказади.

2. Ижроия Қўмита мажлисларини Президент чақиради. Агар Ижроия Қўмита аъзоларининг кўпчилиги (50% дан кўпроғи) йиғилишни чақирилишини талаб қилса, Президент йиғилиш сўров олинганидан кейин Президент уни 21 кун ичида чақириши зарур. Агар Президент сўралган йиғилишни юқорида кўрсатилган муддатда чақирмаса, Ижроия Қўмитанинг бошқа аъзолари уни ўзлари чақиришади, аммо кун тартибини мазкур модданинг

3-бандига мувофиқ мажлисдан камида уч кун олдин Ижроия Қўмитанинг барча аъзоларига юбориши шарт.

3. Бош котибият ёрдамида Президент кун тартибини тузади. Ижроия Қўмитанинг ҳар бир аъзоси кун тартибига киритиш учун масалаларни таклиф қилишга ҳақлидир.

Ижроия Қўмита аъзолари мажлис кун тартибига киритишни хоҳлаган масалаларини йиғилишдан камида 7 (етти) кун олдин Бош котибиятга тақдим этишлари шарт. Кун тартиби мажлисдан камида 3 (уч) кун олдин Ижроия Қўмита аъзоларига юборилиши керак.

4. Бош котиб Ижроия Қўмита мажлисларида маслаҳатчи ролида ва овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашади. Агар Бош котиб йиғилишда иштирок эта олмаса, Ижроия Қўмитаси маъқуллаган тақдирда, унинг номидан йиғилишда қатнашиш учун вакил тайинлаши мумкин.

5. Ижроия Қўмита мажлислари очиқ ўтказилмайди. Бироқ, Ижроия Қўмита учинчи томонларни қатнашишга таклиф қилиши мумкин. Ушбу учинчи шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар ва фақат Ижроия Қўмитасининг рухсати билан ўз фикрларини билдиришлари мумкин.

6. Агар барча аъзолар бир вақтнинг ўзида бир-бирларини эшитсалар ва кўришлари мумкин бўлса, Ижроия Қўмитанинг йиғилишлари виртуал тарзда (масалан, zoom, Microsoft Teams, ва бошқалар) ўтказилиши мумкин.

7. Шунингдек, Президент Ижроия Қўмитанинг иккита йиғилиши ўртасида зудлик билан ва шошилинч ҳал қилишни талаб қиладиган ҳар қандай масалани ҳал қилиш учун Ижроия Қўмитасини шошилинч равишда чақириши мумкин. Бундай ҳолда, мазкур модданинг 2 ва 3 бандларда кўрсатилган муддатлар қисқартирилиши мумкин. Агар Ижроия Қўмита аъзолари бундай долзарб масалаларни ҳал қилиш учун шахсан юзма-юз учраша олмасалар, қарорлар алоқанинг бошқа замонавий воситалари (масалан, электрон почта хабарлари ёки хабар алмашиш дастурлари) орқали қабул қилиниши мумкин.

39-модда. Ижроия Қўмитаси ваколатлари

Ижроия Қўмита қуйидаги ваколатларга эга:

а) Конгресс ваколатлари соҳасига кирмайдиган ёки мазкур Уставга мувофиқ бошқа органларга берилмаган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш.

б) Бош котибиятнинг ёрдами билан Навбатдаги ва Навбатдан ташқари Конгрессни чақириш.

в) доимий қўмитлар, комиссиялар раисларини, раис ўринбосарларини ва аъзоларини тайинлаш.

г) ҳар қандай вақтда заруратга кўра вақтинчалик қўмиталар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

д) доимий қўмиталар, комиссиялар ва вақтинчалик қўмиталар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва чиқариш.

е) Президентнинг таклифига биноан Бош котибни тайинлаш. Бош котиб Ижроия Қўмитаси томонидан Президентнинг олдиндан таклифисиз ҳам лавозимидан озод қилиниши мумкин.

ё) Конгрессга мустақил ва ташқи аудиторларни таклиф қилиш.

ж) навбатдаги Конгрессгача мустақил қўмиталардаги бўш ўринларга аъзоларни тайинлаш.

з) ЎФА томонидан ташкил этиладиган мусобақаларда қатнашиш ва уларни ўтказиш шартларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ва чиқариш.

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

и) вакиллик жамоалари учун мураббийларни ва бошқа техник ходимларни тайинлаш.

й) ЎФАнинг Ички ташкилий регламентини тасдиқлаш ва чиқариш.

к) ушбу Уставнинг қўлланилишини таъминлаш ва уни қўллаш учун зарур бўлган ижро этувчи чораларни қабул қилиш.

л) ЎФА органи аъзосини ўз лавозимидан озод қилиш ёки ЎФА аъзосини навбатдаги Конгрессгача вақтинча аъзолигини тўхтатиб туриш;

м) ўз ваколати остидаги вазифаларни бошқа органларга топшириш.

н) Конгрессда мунозара ёки овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиши мумкин бўлган кузатувчиларни тайинлаш.

40-модда. Ижроия Қўмитаси қарорлари

1. Ижроия Қўмита, агар унинг кўпчилик аъзолари (50% дан кўпроғи) иштирок этмаса, йиғилган ҳисобланмайди.

2. Ижроия Қўмита қарорларни ҳақиқий берилган овозларнинг кўпчилиги (50 фоиздан кўпроғи) билан қабул қилади. Ишончнома ёки хат орқали овоз беришга йўл қўйилмайди.

3. Ижроия Қўмитанинг ҳар қандай аъзоси манфаатлар тўқнашуви хавфи ёки эҳтимоли мавжуд бўлса, мунозарадан ва қарор қабул қилишдан бош тортиши керак.

4. Қабул қилинган қарорлар баённомада қайд этилади.

5. Ижроия Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар, агар Ижроия Қўмитаси бошқача қарор қабул қилмаса, дарҳол кучга киради.

В. ПРЕЗИДЕНТ

41-модда. Президент

Президентнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Бош котибият орқали Конгресс ва Ижроия Қўмита томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш;

б) ушбу Уставда кўрсатилган мақсадларга эришиш учун ЎФА органларининг самарали ишлашини таъминлаш;

в) Бош котибият ишини назорат қилиш;

г) ЎФА ва унинг аъзолари, ФИФА, ОФК, сиёсий органлар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш.

2. Фақатгина Президент Ижроия Қўмитага Бош котибни тайинлашни таклиф қилиши мумкин. Президент, шунингдек, Бош котибни ўз лавозимидан озод қилиш тўғрисида Ижроия Қўмитасига таклиф киртиши мумкин.

3. Президент Конгресс ва Ижроия Қўмитаси йиғилишларига ва у раис этиб тайинланган қўмиталарга раҳбарлик қилади.

4. Президент Ижроия Қўмитасида оддий овозга эга.

5. Агар Президент йиғилишда бўлмаса ёки унда қатнашиш имкониятига эга бўлмаса, унинг ваколатларини Биринчи вице-президент ифодалайди.

6. Агар Президент лавозими ушбу Уставнинг 37 моддаси 8-бандига кўра бўш бўлса, Биринчи вице-президент ёки у бўлмаган тақдирда энг узоқ вақт ишлаган вице-президент қолган муддати учун янги Президентни сайлайди. кейинги Конгрессга қадар ўрнини эгаллайди. Ушбу Конгресс Президент ваколатининг

VAZIRLIKLAR RO'YXATIGA OLINDI -2-

7. Президентнинг ҳар қандай қўшимча ваколатлари ЎФАнинг Ички ташкилий регламентида кўрсатилади.

42-модда. Вакиллик ва имзо

Президент ЎФАни расмий равишда ифодалайди ва ЎФА номидан имзолаш ҳуқуқига эга. Ижроия Қўмитаси ЎФАнинг Ички ташкилий регламентида расмий шахсларнинг биргаликдаги имзосига доир, жумладан, Президент йўқлиги пайтида ЎФА учун барча муҳим масалаларда кимда имзолаш ҳуқуки борлиги юзасидан чораларни белгилаши мумкин.

Г. БОШ КОТИБИЯТ

43-модда. Бош котибият

Бош котибият ижро этувчи, тезкор ва маъмурий орган бўлиб, ЎФА фаолиятини Бош котиб раҳбарлигида олиб боради. Бош котибият аъзолари ЎФАнинг Ички ташкилий регламентии билан белгиланган ва берилган топшириқларни виждонан бажаришлари керак.

44-модда. Бош котиб

1. Бош котиб ЎФАнинг бош ижрочи директоридир.

2. Бош котиб Ижроия Қўмитаси томонидан Президентнинг таклифига биноан фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқларининг меъёрларига мувофиқ тузилган шартномага асосан тайинланади ва зарур касбий малакага ва / ёки тажрибага эга бўлиши керак.

3. Бош котиб қуйидагилар учун жавобгардир:

а) Президентнинг кўрсатмаларига мувофиқ Конгресс ва Ижроия Қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш;

б) Конгресс ва Ижроия Қўмитаси ва доимий ва вақтинчалик қўмиталар, комиссиялар йиғилишларида қатнашиш;

в) Конгресс ва Ижроия Қўмитаси ва бошқа органларнинг йиғилишларини ташкил этиш;

г) Конгресс, Ижроия Қўмита ва доимий ва вақтинчалик қўмиталар, комиссиялар йиғилишлари учун баённома тузиш;

д) ЎФА молиявий ҳисобларини бошқариш ва бухгалтерлик ҳисобдорлигини имзолаш ҳуқуқи билан юритиш;

е) ёзишмаларни олиб бориш;

ё) Президент раҳбарлигида аъзолар, қўмиталар, ФИФА ва ОФК билан алоқалар;

ж) Бош котибиятни ташкил қилиш;

з) Бош котибиятда ишлайдиган ходимларни тайинлаш ва ўз лавозимидан озод қилиш;

и) Сайлов Қўмиталарини сайлов ўтказишда моддий-техник ва ташкилй жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

4. Бош котибга юклатилган ҳар қандай қўшимча масъулият ва вазифалар ЎФАнинг Ички ташкилий регламентиида белгиланган.

5. Бош котиб Конгресс делегати ёки бошқа бирон бир ЎФА органи аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Д. ҲУДУДИЙ АССОЦИАЦИЯЛАР

45-модда. Ҳудудий ассоциациялар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

1. ЎФА тузилмасига унинг ҳудудий ассоциациялари ҳам киради.

Бўлинмаларни ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш амалдаги қонун ҳужжатларига ва ЎФА Ижроия қўмитаси қарорига асосан амалга оширилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бўлинмалар ҳудудий адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий ассоциациялар эса ҳудудий адлия органларида ҳисобга қўйилиши лозим.

2. Ҳудудий ассоциациялар қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкка эга бўлиши ва тегишли ҳудудда қонун ҳужжатларига мувофиқ ЎФАнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

Ҳудудий ассоциациялар қонун ҳужжатларига риоя қилиш, ЎФА раҳбар органлари қарор ва буйруқларини бажариш ва бошқа мажбуриятга эга Ҳудудий ассоциацияларни ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари, уларнинг раҳбар органлари бўйича батафсил қоидалар Ҳудудий ассоциациялар Низомида белгиланади.

3. Ҳудудий ассоциацияларни ЎФА тавсиясига кўра ҳудудий футбол ассоциациялари Президенти (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари) томонидан тайинланадиган ҳамда ЎФА билан келишган ҳолда лавозимдан озод қилинадиган ҳудудий футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти бошқаради.

Е. ДОИМИЙ ҚЎМИТАЛАР

46-модда. Доимий Қўмиталар

1. Доимий қўмиталар:

а) Молия қўмитаси;

б) ЎФА мусобақаларини ташкил этиш қўмитаси;

в) Техник ва ривожланиш қўмитаси;

г) Ҳакамлар қўмитаси;

д) Аёллар футболи қўмитаси;

е) Футболчилар мақоми қўмитаси;

ё) Ҳаваскорлар ва оммавий футбол қўмитаси;

ж) Тиббиёт қўмитаси;

2. ЎФА доимий қўмиталари, комиссиялари раислари, раис ўринбосарлари ва аъзолари, Ҳакамлар қўмитасидан ташқари, Ижроия Қўмита аъзолари бўлиши мумкин. Ҳар бир доимий қўмита, аъзолари ЎФА аъзолари ёки Президентнинг таклифига биноан Ижроия Қўмитаси томонидан тайинланади. Ижроия Қўмита доимий қўмиталарда, комиссияларда аёлларнинг номзодларнинг ҳам киришини таъминлайди. Доимий қўмиталарнинг раислари, ўринбосарлари ва аъзолари тўрт йиллик ваколат муддатига тайинланади.

3. Ҳар бир раис ўзининг доимий қўмитаси манфаатларини ифода этиши ва Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган ЎФАнинг Ички ташкилий регламентининг тегишли қоидаларига мувофиқ иш юритиши керак.

4. Ҳар бир раис Бош котиб билан биргаликда йиғилиш кунларини белгилайди, барча вазифалар бажарилишини таъминлайди ва Ижроия Қўмитасига ҳисобот беради.

5. Ижроия Қўмита ва ҳар бир доимий қўмита, кейинчалик Ижроия Қўмитанинг тасдиғи билан, агар керак бўлса, шошилинч масалаларни ҳал қилиш учун бюро ва / ёки кичик қўмита

тузиши мумкин. Бюронинг ва / ёки кичик қўмитанинг ҳар қандай муҳокамалари ва қарорлари тегишли доимий қўмитага, иложи борича дарҳол хабар қилинади.

6. Ҳар бир доимий қўмита Ижроия Қўмитасига ЎФАнинг Ички ташкилий регламентиида унинг қўмитасига тегишли қоидаларига тузатишлар киритишни таклиф қилиши мумкин.

47-модда. Молия қўмитаси

Молия қўмитаси молиявий бошқарувни назорат қилади ва Ижроия Қўмитага молиявий масалалар ва активларни бошқариш бўйича маслаҳат беради. У Бош котиб томонидан тайёрланган бюджет ва молиявий ҳисоботни таҳлил қилади ва Ижроия Қўмитасига тасдиқлаш учун тақдим этади. У раис, раис ўринбосари ва 3 тадан 5 тагача аъзодан иборат бўлиши керак.

48-модда. ЎФА мусобақаларини ташкил қилиш қўмитаси

ЎФА мусобақаларини ташкил қилиш қўмитаси ушбу Уставнинг қоидалари ва ЎФА мусобақаларига тааллуқли қоидаларга риоя қилган ҳолда ЎФАнинг исталган даражадаги футбол, футзал ва пляж футболи бўйича ЎФА мусобақаларини ташкил қилади. Унинг таркибига раис, раис ўринбосари ва 3 тадан 9 тагача аъзолар киради.

49-модда. Техник ва ривожланиш қўмитаси

Техник ва ривожланиш қўмитаси биринчи навбатда футболга тайёргарлик ва футболда техник ривожланишнинг асосий жиҳатларини таҳлил қилиши керак. Шунингдек, ЎФАнинг ривожланиш дастурлари, тегишли стратегияларни ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш, ушбу стратегияларни мониторинг қилиш ва ЎФА аъзоларига кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш ва дастурларни таҳлил қилиш ва умуман ривожланиш масалалари бўйича Ижроия Қўмитасига маслаҳат бериш билан шуғулланади. У раис, раис ўринбосари ва 3 тадан 5 тагача аъзолардан иборат бўлиши керак.

50-модда. Ҳакамлар қўмитаси

Ҳакамлар қўмитаси Ўйин қоидаларининг амалиётга жорий этади. ЎФА ва ЎзПФЛ томонидан ташкил этиладиган мусобақалардаги ҳакамларни тайинлайди, маъмурият билан биргаликда ҳакамлик масалаларини Ўзбекистон ҳудудида ташкил этади ва ҳакамларнинг таълим ва тайёргарлигини назорат қилади. У раис, раис ўринбосари ва 3 тадан 5 тагача аъзодан иборат бўлиб, уларнинг 3 нафари собиқ ҳакамлар бўлиши лозим.

51-модда. Аёллар футболи қўмитаси

Аёллар футболи қўмитаси ЎФАнинг аёллар футболи мусобақаларини ташкил қилади ва аёллар футболи ва унинг ривожланиши билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади. У раис, раис ўринбосари ва 3 тадан 5 тагача аъзолардан иборат бўлиши керак.

52-модда. Футболчиларнинг мақом қўмитаси

1. Футболчиларнинг мақоми қўмитаси ФИФАнинг Футболчиларнинг мақоми ва трансфери тўғрисидаги Регламентига мувофиқ трансфер қоидаларини ишлаб чиқади ва назорат қилади ҳамда ЎФА ва ЎзПФЛнинг турли мусобақалари учун футболчилар мақомини белгилайди. Ижроия Қўмита Футболчилар мақоми қўмитасининг юрисдикция

ваколатларини тартибга солувчи махсус қоидаларни тасдиқлаши мумкин. Футболчиларнинг мақоми қўмитаси раис, раис ўринбосари ва 3 тадан 5 тагача аъзодан иборат бўлади.

2. ЎФА, унинг аъзолари, футболчилар, расмий шахслар баҳслар (матчлар) ва футболчилар бўйича воситачиларга тааллуқли футболчиларнинг мақоми масалалари бўйича мунозаралар, мазкур Уставга ҳамда мазкур ҳолатга мос келадиган миллий қонунчилик нормаларига мувофиқ, ЎФАнинг мустақил юрисдикция органлари томонидан муҳокама қилиниши даркор.

53-модда. Ҳаваскорлар ва оммавий футбол қўмитаси

Ҳаваскорлар ва оммавий футбол қўмитаси ЎФА таркибидаги ҳаваскорлар ва оммавиЙ футбол учун масъул ташкилотларга ва унинг аъзоларига оид барча масалаларни ҳал қилади. У раис, раис ўринбосари ва 3 тадан 5 тагача аъзодан иборат бўлиши керак.

54-модда. Тиббий қўмита

Тиббий қўмита ЎФАнинг барча тиббий жиҳатлари билан шуғулланади. Мазкур қўмита, шунингдек, Допинг масалалари билан шуғулланувчи ЎФАнинг ваколатли қўмитаси ҳисобланади.

Мазкур қўмита раис, раис ўринбосари ва 3 тадан 5 тагача аъзодан иборат бўлиши керак.

Қўмита допинг масалаларини ФИФАнинг "Антидопинг қоидалари"га мувофиқ кўриб чиқади. Агар миллий анти-допинг қоидалари ва ФИФАнинг "Антидопинг қоидалари"да белгиланган нормалар ўртасида номувофиқлик вужудга келса, ФИФАнинг "Антидопинг қоидалари"да белгиланган нормалар қўлланилади.

55-модда. Вақтинчалик қўмиталар

Ижроия Қўмита, заруратга кўра, махсус вазифалар ва чекланган муддат учун вақтинчалик қўмиталар тузиши мумкин. Ижроия Қўмита раис, раис ўринбосари ва тегишли миқдордаги аъзоларни тайинлайди. Вақтинчалик қўмиталарнинг вазифалари ва ишлари, Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган махсус қоидаларда белгиланади. Вақтинчалик қўмита бевосита Ижроия Қўмитасига бўйсунади.

Ж. КЛУБЛАРНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ОРГАНЛАРИ

56-модда. Клубларни лицензиялаш органлари

1. Клубларни лицензиялаш органлари ЎФА ва ОФКнинг клубларни лицензиялаш тўғрисидаги Регламентига биноан Ўзбекистонда клубларни лицензиялаш тизимига раҳбарлик қилади.

2. Клубларни лицензиялаш органлари биринчи инстанция ва апелляция органларидан иборат.

3. Клубни лицензиялаш бўйича апелляция органи томонидан қабул қилинган қарорлар бўйича ушбу Устав қоидаларига мувофиқ фақат CASга шикоят қилиниши мумкин.

V. МУСТАҚИЛ ҚЎМИТАЛАР

57-модда. Мустақиллик

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

1. Мустақил қўмиталар, шунингдек уларнинг алоҳида аъзолари ўз фаолиятини ўзлари олиб борадилар ва ўз вазифаларини тўлиқ мустақил равишда бажарадилар, лекин ҳар доим ЎФА манфаатлари ва унинг Устави ва қоидаларига мувофиқ равишда амалга оширадилар.

2. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси ва Сайлов қўмиталарининг раислари, раис ўринбосарлари ва аъзолари, шунингдек Юрисдикция органлари раислари ва раис ўринбосарлари мазкур модда 3-бандида белгиланган мустақиллик мезонларига риоя қилишлари керак.

3. Мазкур модданинг 2-бандда кўрсатиб ўтилган шахслар, шунингдек уларнинг ҳар қандай яқин оила аъзолари ваколат муддати бошлангандан сўнг тўрт йил давомида ЎФА, ЎФА аъзоларидан бири, лигада ёки клубда (шу жумладан, уларнинг ҳар қандай шерикликдаги компаниялари / ташкилотларида) ҳар қандай ижро этувчи функцияни бажара олмайди ёки бажармайди, шунингдек, ваколат муддати бошлангандан сўнг тўрт йил давомида ЎФА, ЎФА аъзоларидан бири, лига ёки клуб (шу жумладан, уларнинг ҳар қандай шериклик компаниялари/ташкилотлари) билан ҳеч қандай моддий тадбиркорлик муносабатларида бўлмайди. "Яқин оила аъзоси" атамаси тегишли шахсга нисбатан, унинг турмуш ўртоғи ёки турмуш ўртоғининг ака-укалари, ота-оналари, боболари, амакилари, холалари, болалари (шу жумладан ўгай фарзанд ёки асраб олинган бола), невaралари, ўғли, қизи, отаси ёки қайнона, шунингдек, қон билан ёки бошқа йўл билан, у билан моддий ёрдам кўрсатадиган оилавий муносабатларга ўхшаш муносабатда бўлган бошқа бирон бир кишини ўз ичига олади.

58-модда. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси

1. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси раис, раис ўринбосари ва 3 кишидан иборат. Унинг аъзолари молиявий ва/ёки меъёрий-ҳуқуқий масалаларни яхши биладиган ва тажрибали бўлиши керак ва ЎФА фаолиятига таъсир қиладиган ҳар қандай қарорга алоқадор бўлмасликлари лозим.

2. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси ЎФА молиявий ва мувофиқлик масалаларини кузатишда Ижроия Қўмитасига маслаҳат беради, ёрдам беради ва назорат қилади, мувофиқлик механизмларини яратади ва ЎФАнинг тегишли қоидаларига риоя қилинишини назорат қилади. Шунингдек, у молиявий ва мувофиқлик масалаларида Бош котибиятни назорат қилади. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси молиявий бухгалтерия ҳисобининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаши, консолидация қилинган молиявий ҳисоботни ва мустақил ва ташқи аудиторлик ҳисоботини кўриб чиқиши керак. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси, шунингдек, ЎФАнинг молиявий ва мувофиқлик масалаларини кузатиб боради ва тегишли органларга ушбу мониторинг натижасида зарур деб топилган ҳаракатларни амалга оширишни таклиф қилади. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси Бош котибият кўмагида ЎФА доирасида мувофиқлик дастурини амалга оширади.

3. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитасининг вазифалари, унинг ички ҳамкорлиги ва бошқа процессуал масалалар бўйича қоидалар ЎФАнинг Ички ташкилий регламентида кўрсатилган.

4. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитасининг раиси, раис ўринбосари ва аъзолари Конгресс томонидан тўрт йил муддатга сайланади ва фақат Конгресс томонидан ўз вазифаларидан озод қилиниши мумкин. Улар ЎФАнинг бошқа бирон бир органига тегишли бўлмаслиги керак ва улар сайланишидан ёки қайта сайланишидан олдин Этика қўмитаси томонидан ўтказиладиган "ҳалоллик текшируви"дан ўтадилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI DAVLAT XIZMATLARI AGENTLIGI QABUL QILINDI -2-

5. Тафтиш ва мувофиқлик қўмитасининг раиси, раис ўринбосари ёки аъзоси ўз ваколат муддати давомида ўзининг расмий функциясини бажаришни доимий равишда тўхтатган бўлса, Ижроия Қўмита навбатдаги Конгрессга қадар унинг ўрнини босувчи шахсни тайинлайди.

59-модда. Сайлов қўмиталари

1. Сайлов қўмиталари ЎФА Сайлов кодексига мувофиқ сайлов жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш учун масъул бўлган органлардир. Сайлов қўмиталари Сайлов қўмитаси (биринчи инстанция органи) ва Сайлов бўйича апелляция қўмитаси (иккинчи инстанция органи) дан иборат.

2. Сайлов қўмиталарининг таркиби ва вазифалари ЎФА Сайлов кодекси билан тартибга солинади.

60-модда. Юрисдикция органлари

1. Юрисдикция органлари:

а) Тартиб-интизом қўмитаси;

б) Этика қўмитаси;

в) Апелляция қўмитаси.

2. Юрисдикция органлари шундай тарзда тузилиши керакки, аъзолари биргаликда ўз вазифаларини лозим даражада бажариш учун зарур бўлган билим, қобилият ва мутахассис тажрибага эга бўлсин. Юрисдикция органлари раислари ёки раис ўринбосарлари ҳуқуқ соҳасида малакали мутахасис бўлиши керак.

3. Юрисдикция органларининг барча аъзолари (шу жумладан, раислар ва раис ўринбосарлари) Тафтиш ва мувофиқлик қўмитаси томонидан сайланишидан ёки қайта сайланишидан олдин "ҳалоллик текшируви"дан ўтказилади.

4. Барча аъзоларнинг ваколат муддати тўрт йил. Аъзолар ҳар қандай вақтда қайта сайланиши ёки вазифаларидан озод қилиниши мумкин. Улар фақат Конгресс томонидан ўз вазифаларидан озод этилиши мумкин.

5. Юрисдикция органлари раислари, раис ўринбосарлари ва бошқа аъзолари Ижроия Қўмитасининг таклифига биноан Конгресс томонидан сайланади ва ЎФАнинг бошқа бирон бир органи аъзоси бўла олмайди.

6. Агар юрисдикция органи раиси, раис ўринбосари ёки аъзоси ваколат муддати давомида ўзининг расмий функциясини бажаришни бутунлай тўхтатса, Ижроия Қўмита навбатдаги Конгрессга қадар унинг ўрнини босувчини тайинлайди ва мазкур тайинланган аъзо навбатдаги Конгрессда унинг ўрнига янги аъзо сайлангунга қадар фаолият юритади.

7. Юрисдикция органларининг функция ва вазифалари ЎФАнинг Тартиб-интизом кодекси ва Этика кодексида белгилаб қўйилган.

8. Юрисдикция органлари томонидан қабул қилинган қарорлар расмий эълон қилинганидан кейин ва/ёки тегишли шахслар хабардор қилинганидан кейин кучга киради.

61-модда. Тартиб-интизом қўмитаси

1. Тартиб-интизом қўмитасининг вазифаси ЎФАнинг Тартиб-интизом кодекси билан тартибга солинади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

2. Тартиб-интизом қўмитаси мазкур Уставда ва ЎФА нинг Тартиб-интизом кодексида баён этилган футбол бўйича санкцияларни, аъзолар, расмий шахслар, футболчилар, клублар ва воситачиларга нисбатан қўллаши мумкин.

3. Ушбу қоидалар Конгресс ва Ижроия Қўмитанинг аъзоларни аъзолигни вақтинча тўхтатиб туриш ва аъзоликдан чиқариб юбориш бўйича ваколатларига таъсир қилмайди.

4. Ижроия Қўмита ФИФАнинг Тартиб-интизом кодексида белгиланган принципларга мувофиқ ЎФАнинг Тартиб-интизом кодексини қабул қилади.

62-модда. Этика қўмитаси

1. Этика қўмитасининг вазифаси ЎФАнинг Этика кодекси билан тартибга солинади.

2. Этика қўмитаси ЎФАнинг Интизом ва Этика кодексларида, мазкур Уставда назарда тутилган санкцияларни расмий шахслар, футболчилар, клублар ҳамда матч агентларга ва футбол воситачиларига (агентлар) нисбатан қўллаши мумкин.

3. Ушбу қоидалар Конгресс ва Ижроия Қўмитанинг аъзоларни аъзолигни вақтинча тўхтатиб туриш ва аъзоликдан чиқариб юбориш бўйича ваколатларига таъсир қилмайди.

4. Ижроия Қўмита ФИФА Этика кодексида белгиланган принципларга мувофиқ ЎФАнинг Этика кодексини қабул қилади.

63-модда. Апелляция қўмитаси

1. Апелляция қўмитасининг вазифаси Тартиб-интизом кодекси ва ЎФАнинг Этика кодекси билан тартибга солинади.

2. Апелляция қўмитаси Тартиб-интизом қўмитаси, Этика қўмитаси ҳамда ЎФАнинг тегишли қоидалари билан якуний деб эълон қилинмаган қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш учун жавобгардир.

3. Апелляция қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорлар ўзгартириб бўлмайдиган ва барча манфаатдор томонлар учун мажбурийдир. Ушбу шарт CASда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

VI. ИНТИЗОМИЙ ЧОРАЛАР

64-модда. Интизомий чоралар

1. Асосий Тартиб-интизом чоралари қуйидагилар ҳисобланади:

1.1. Ассоциацияга аъзо жисмоний ва юридик шахслар учун:

а) огоҳлантириш;

б) ҳайфсан

в) жарима;

г) кўлга киритилган мукофот ва медаллардан маҳрум қилиш.

1.2. Ассоциацияга аъзо жисмоний шахслар учун:

а) огоҳлантириш;

б) аъзоликдан чиқариш/четлатиш;

в) Ўйинда иштирок этишдан дисквалификация қилиш;

г) кийим алмаштириш хонасида ва захира ўриндиғида бўлишни таъқиқлаш;

д) стадионга киришга таъқиқ қўйиш;

е) футбол билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга муайян ёки номуайян муддатга тақиқ қўйиш.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

ё) ижтимоий меҳнатга жалб қилиш;

ж) мажбурий ўқитиш;

1.3. Ассоциацияга аъзо юридик шахслар учун:

а) футболчилар трансферига таъқиқ қўйиш;

б) баҳсни томошабинларсиз ўтказиш;

в) Ўйинни бетараф (нейтрал) майдонда ўтказиш;

г) муайян стадионда Ўйинлар ўтказилишини таъқиқлаш;

д) Ўйин натижасини бекор қилиш;

е) аъзоликдан чиқариш;

ё) ҳисобига мағлубият ёзиш;

ж) очко (очколар) олиб ташлаш;

з) даражаси бўйича қуйи лигага ўтказиш;

и) Ўйинни қайтадан ўйнаш.

VII. АРБИТРАЖ

65-модда. Арбитраж

1. ЎФА доирасидаги низолар ёки ЎФА аъзолари, лигалар, лигалар аъзолари, клублар, клублар азолари, футболчилар ва расмий шахсларга тегишли низолар фақат охирги босқичда (яъни, ЎФАнинг барча низоларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган қўмиталарга мурожаат қилингандан сўнг) CASга юборилиши мумкин, бунда агар бундай тартиб Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларида аниқ тақиқланмаган бўлса, низони ҳар қандай давлат судлари ваколатидан чиқарилган ҳолда ҳал қилинади.

2. ФИФА ёки ОФКнинг Уставлари, қоидалари, кўрсатмалари ва қарорларидан келиб чиқадиган ёки улар билан боғлиқ бўлган халқаро миқёсдаги низолар фақат ФИФА ва ОФК Уставида кўрсатилганидек, сўнгги босқичда CASга юборилиши мумкин.

66-модда. Юрисдикция (ваколат)

1. ЎФА ички миллий низоларни, яъни ЎФАга тегишли ёки унга боғлиқ бўлган томонлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқувчи юрисдикция органи ваколати доирасига кирувчи масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

2. ФИФА ва/ёки ОФК халқаро низоларни, яъни турли хил ассоциациялар ва/ёки конфедерацияларга кирувчи томонлар ўртасидаги низоларни тегишли қоидаларга мувофиқ ваколати доирасига кирувчи масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

3. ЎФА ФИФА органи, ОФК органи ёки CAS томонидан қабул қилинган унинг ваколатига кирадиган шахслар билан боғлиқ ҳар қандай якуний қарорга тўлиқ амал қилинишини таъминлайди.

VIII. МОЛИЯ

67-модда. Молиявий давр

1. ЎФАнинг молиявий-ҳисобот даври ҳар календарь йилнинг 1 январидан бошланиб, 31 декабрида тугайдиган молиявий бир йил бўлиши шарт.

2. ЎФА нинг даромадлари ва ҳаражатлари шундай тарзда юритилиши лозимки, ЎФАнинг улар бўйича баланси молиявий-ҳисобот даври ўтганидан кейин, у билан мос

DAVLAT BOJXONA QO'MITASI -2-

келиши даркор. ЎФА нинг асосий мажбуриятлари захираларнинг мавжудлиги билан кафолатланиши керак.

3. Бош котиб ЎФА ва унинг ҳисобдор ташкилотларнинг ҳар йиллик ҳисоботини 31 декабр ҳолатига тузиш учун жавобгар бўлади.

68-модда. Даромад

ЎФА даромадлари қуйидагилардан иборат:

а) Аъзоларнинг йиллик бадал(йиғим)лари;

б) ЎФАга тегишли бўлган маркетинг ҳуқуқларини фойдаланишга бериш ёки бошқача усулда амалга ошириш натижасидаги тушумлар;

в) ваколатли органлари ёки қўмиталари томонидан белгиланган жарималар;

г) ЎФА олдига қўйган мақсадларига мувофиқ бошқа бадал(йиғим)лар ва тушумлар;

д) хайр-эҳсонлар;

е) футбол фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳар қандай даромад;

ё) ФИФА ва ОФК маблағлари.

69-модда. Харажатлар

ЎФА қуйидагиларни амалга оширади:

а) бюджетда кўзда тутилган харажатлар;

б) Конгресс томонидан тасдиқланган бошқа харажатлар ва Ижроия Қўмита ўз ваколатлари доирасида амалга оширишга ҳақли харажатлар;

в) ЎФА олдига қўйган мақсадларига мувофиқ бошқа барча харажатлар.

70-модда. Мустақил ва ташқи аудиторлар

Конгресс томонидан тайинланган мустақил ва ташқи аудиторлар ҳар йили Молия қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳисоб-китобларни тегишли бухгалтерия тамойилларига мувофиқ текширадилар ва Конгрессга ҳисобот тақдим этадилар. Мустақил ва ташқи аудиторлар уч йил муддатга тайинланади. Ушбу мандат унинг амал қилиш муддати тугаганда, қайтадан тикланиши мумкин.

71-модда. Аъзолик бадал(йиғим)лари

1. Аъзолик бадал(йиғим)лари ҳар йили 15 январда амалга оширилади. Ушбу йил учун янги аъзоларга йиллик бадал(йиғим) улар қабул қилинган Конгресс ёпилгандан кейин 30 кун ичида тўланади.

2. Конгресс Ижроия Қўмитасининг тавсиясига биноан ҳар икки йилда бир марта йиллик бадал(йиғим) миқдорини белгилайди. Бу миқдор ҳар бир аъзо учун бир хил бўлади ва унинг миқдори Ўзбекистонда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ошмайди.

72-модда. Ҳисоб-китоб

ЎФА даъволарни ҳал қилиш учун ҳар қандай аъзонинг мол-мулки ва ҳисобварағини ҳисобдан чиқариши мумкин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

73-модда. Йиғимлар

ЎФА матч (баҳс)ларда қатнашганлиги учун ўзининг аъзоларига тўловлар (йиғимлар) тўланиш зарурлигини таъсис этиши мумкин.

74-модда. Молиявий маълумотларни нашр этиш

ЎФА расмий веб-сайтида ушбу Уставнинг 32-моддаси 2-бандининг и), ж) ва к) бандларида кўрсатилган молиявий ҳужжатларни Конгресс томонидан тасдиқланганидан кейин эълон қилади.

IX. МУСОБАҚАЛАР ҲАМДА УЛАРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР

75-модда. Мусобақалар

1. ЎФА Ўзбекистон Республикаси ҳудудида футбол бўйича қуйидаги мусобақаларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради:

а) ҳаваскорлар, ярим профессионаллар ва профессионаллар орасида футбол бўйича ички мусобақалар – чемпионатлар, кубоклар, биринчиликлар, мусобақалар, фестиваллар, матчлар, ўйинлар, учрашувлар ва барча даражада, тоифа ва миқёслардаги бошқа мусобақалар, шу жумладан, мажмуали оммавий-спорт тадбирлари киритилган;

б) ҳаваскорлар, ярим профессионаллар ва профессионаллар орасида футбол бўйича халқаро мусобақалар – чемпионатлар, кубоклар, биринчиликлар, мусобақалар, фестиваллар, матчлар, ўйинлар, учрашувлар ва мазкур Уставга ҳамда ФИФА ва ОФК талабларига зид бўлмаган, бошқа мусобақалар;

2. Ижроия қўмитаси, ЎФАга тобе бўлган тузилмаларга ёки лигаларга (ЎзПФЛ) мусобақаларни ташкил этиш ҳуқуқларини бериши мумкин. ЎФАга тобе тузилмалар томонидан ташкил қилинадиган мусобақалар ЎФАнинг ўзи томонидан ташкил этиладиган мусобақалар билан аралашиб кетмасмаслиги даркор. ЎФА ташкил қиладиган мусобақалар устувор аҳамиятга эга бўлиши керак.

3. Ижроия қўмитаси шунга боғлиқ равишда махсус регламентларни қабул қилиши мумкин.

76-модда. Клубларни лицензиялаш

Ижроия Қўмита клубларни лицензиялаш тизимига оид қоидаларни ОФК ва ФИФА томонидан ўрнатилган клубларнинг лицензиялаш тизимининг минимал талабларига риоя қилган ҳолда ЎзПФЛ ва ОФК мусобақаларида қатнашишини тартибга солади.

77-модда. Ҳуқуқлар

1. ЎФА ва унинг аъзолари ўз ваколатларига кирадиган мусобақалар ва бошқа тадбирлардан келиб чиқадиган барча ҳуқуқларнинг асл эгалари бўлиб, мазмуни, вақти ва жойи бўйича чекловларга эга эмас. Бундай ҳуқуқларга, бошқалардан ташқари, ҳар қандай молиявий ҳуқуқлар, аудио/видеоёзув ва радиоэшиттиришларга бўлган ҳуқуқлар, телевизион эшиттириш ва кўрсатишга бўлган ҳуқуқлар, мультимедиа ҳуқуқлари, реклама ва маркетингга бўлган ҳуқуқлар ҳамда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги каби интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлари киради.

2. Ижроия қўмитаси ушбу ҳуқуқлар қандай ва қайси муддатга фойдаланилишига боғлиқ равишда қарорлар қабул қилади ва ушбу масала бўйича махсус регламентларни тасдиқлайди. Ижроия қўмитаси якка тартибда, учинчи томон билан биргаликда ёки мазкур ҳуқуқлардан алоҳида фойдаланиш, ёки учинчи томон орқали тўлиқ фойдаланишга тааллуқли

O'ZBEKISTON FUTBOL ASSOTSIATSIYASI HUZURIDAGI ADOLAT QO'MITASIGA BO'YSUNTIRILDI -2-

бўлган қарор қабул қилади. ЎФА мазкур ҳуқуқларнинг ЎФА уставига мувофиқ адолатли ва шаффоф усулда учинчи томонга фойдаланишга берилишини таъминлаши лозим.

78-модда. Тарқатиш учун рухсат

1. ЎФА ва унинг аъзолари ҳеч қандай чекловларсиз ўзларининг юрисдиксиясига кирадиган футбол ўйинлари ва тадбирларининг овоз, тасвир ва бошқа маълумотларини тарқатиш учун жавобгар ҳисобланади.

2. Ижроия Қўмитаси шу мақсадда махсус қоидалар чиқаради.

X. ХАЛҚАРО ЎЙИНЛАР ВА МУСОБАҚАЛАР

79-модда. Халқаро учрашувлар ва мусобақалар

1. Терма жамоалар ёки клублар орасида халқаро ўйинлар ва мусобақаларни ташкил этиш учун жавобгарлик тўлиқ равишда ФИФА зиммасига юкланади. Ҳеч қандай ўйинлар ёки мусобақалар ФИФА Ижроия қўмитасининг дастлабки рухсатисиз ўтказилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ФИФА Регламентига мувофиқ, тегишли қитъа Конфедерациясининг рухсати ҳам талаб қилиниши мумкин.

2. ЎФА ФИФА томонидан тузилган, халқаро даражада мувофиқлаштирилган календар тақвимга амал қилиши лозим.

80-модда. Алоқалар

ЎФА, унинг аъзолари, футболчилари, расмий шахслар, лицензияланган ўйин агентлари ва воситачилари ФИФАнинг розилигисиз ФИФАга аъзо бўлмаган ассоциациялар ёки конфедерациянинг вақтинчалик аъзолари билан ўйин ўтказа олмайди ёки спорт алоқаларини ўрнатиши мумкин эмас.

81-модда. Тасдиқлаш

1. ЎФА нинг таркибига кирувчи ҳудудий ассоциациялар, клублар, лигалар ва бошқа клуб гуруҳлари, ЎФА ва бошқа миллий федерациянинг, шунингдек, ФИФАнинг рухсатисиз, бошқа миллий федерациялар таркибига кириши мумкин эмас.

2. ЎФА нинг таркибига кирувчи ҳудудий ассоциациялар, клублар, лигалар ва бошқа клуб гуруҳлари, ЎФА ва бошқа миллий федерациянинг, шунингдек, ФИФАнинг рухсатисиз бошқа миллий федерациялар ҳудудидаги мусобақаларда иштирок этиши мумкин эмас.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

82-модда. Кутилмаган вазиятлар ва форс-мажор ҳолатлар

Ижроия Қўмитаси мазкур Уставда назарда тутилмаган ҳар қандай масалалар бўйича ёки форс-мажор ҳолатларида ФИФА ва ОФКнинг тегишли қоидаларини ҳамда амалдаги мажбурий кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда қатъий қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

83-модда. Корпоратив ҳужжатларни нашр этиш

ЎФА расмий веб-сайтида қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этади:

а) ЎФА Устави ва ЎФА конгрессини олиб бориш қоидалари;

б) Сайлов кодекси;

в) Тартиб-интизом кодекси;

г) Этика кодекси;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

д) ЎФА ички ташкилий регламенти;

е) муҳим қарорлар тўғрисида маълумот;

ё) ЎФА стратегияси;

ж) Ижроия Қўмита ва Конгресс йиғилишлари кун тартиби;

з) муҳим ёзишмалар акс этган хатлар

84-модда. Тугатиш

1. ЎФАни тугатиш ва қайта ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарор, уни қабул қилиш учун ушбу мақсадларда махсус чақиртирилган Конгрессда овоз берадиган ЎФА нинг барча аъзолари овозларининг 2/3 кўпчилигини талаб қилади.

2. ЎФА тугатилган ҳолларда унинг мол-мулки, кредиторлар талаби қондирилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўтказилади. У ушбу мол-мулкни ЎФА тиклангунга қадар тегишли ишончли шахс сифатида сақлайди. Аммо якуний Конгресс камида учдан икки кўпчилик овози асосида мол-мулкни ушлаб туриш учун бошқа олувчини танлаши мумкин.

85-модда. Кучга кириши

Мазкур Устав ЎФАнинг 2021 йил 19 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилган навбатдан ташқари Конгрессида қабул қилинган ва у давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб кучга киради. Шу билан бирга, ЎФАнинг 2020 йил 26 декабрда қабул қилинган Устави ўз кучини йўқотади.

86-модда. Ўтиш қоидалари

1. Ушбу Уставнинг 12 моддасида белгиланган Аъзоларга ушбу Устав қабул қилинган пайтдан бошлаб 13 модданинг 2-бандида, шунингдек 16 моддасининг 1-бандида ф), г), ж), н) ва о) кўрсатилган мажбурий талабларга риоя қилиш учун 12 ойлик муддат берилади. Юқорида кўрсатилган муддат ичида ушбу талабларнинг барчасини бажармаган ҳар қандай аъзо, автоматик равишда Конгрессда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва ушбу аъзонинг делегати (аъзолари) кворум ташкил этишда ҳисобга олинмайди. Аъзо фақат ушбу хатбошида айтиб ўтилган мажбуриятларини тўлиқ бажаргандан сўнг Конгрессда овоз бериш ҳуқуқини тиклайди.

2. Ушбу Уставнинг 37-моддаси 2-бандида кўрсатиб ўтилганидек, "ҳалоллик текшируви"дан ўтиш талаблари ва ушбу Уставнинг 37-моддаси 4-бандида белгиланган мезон Ижроия Қўмитасининг ушбу Устав қабул қилинган пайтдаги аъзоларига нисбатан қўлланилмайди, лекин ушбу Устав қабул қилингандан сўнг Ижроия Қўмитасининг ҳар қандай лавозимига даъвогар бўлган ҳар қандай номзод томонидан бажарилиши керак.

3. Ушбу Уставнинг 37-моддаси 3-бандида белгиланган муддат чекловлари фақат ушбу Устав қабул қилинганидан кейин бўлиб ўтадиган Ижроия Қўмитаси аъзолари сайловига нисбатан қўлланилади.

4. Ушбу Уставнинг 37-моддаси 4-бандида назарда тутилган футболда фаол иштирок этиш талаблари Ижроия Қўмитанинг ушбу Устав қабул қилинганидан кейин амалга ошириладиган биринчи сайловлари муносабати билан Ижроия Қўмитаси аъзолари лавозимига даъвогар аёл номзодларга нисбатан қўлланилмайди.

5. Ушбу Устав қабул қилингандан сўнг Ижроия Қўмита ушбу Уставнинг 46-54-моддаларида белгиланганидек доимий қўмиталар ва комиссияларнинг аъзоларини тайинлайди.

6. Ушбу Устав қабул қилинганидан кейин 12 ой ичида Конгресс ушбу Уставнинг 58-63-моддаларида белгиланган тартибда амалда бўлмаган мустақил қўмиталарнинг тегишли аъзоларини сайлайди. Шу муддат ичида Конгресс, шунингдек, ушбу Уставнинг 57-моддаси 3-бандида кўрсатилган мустақиллик мезонларига мос келмайдиган мустақил қўмиталарнинг тегишли аъзоларини лавозимдан озод қилади ва лавозимларни эгаллаш учун аъзоларнинг тегишли сонини сайлайди.

7. ЎФА ушбу Устав қабул қилинган кундан бошлаб 12 (ўн икки) ой муддат давомида мазкур Уставни амалиётга жорий қилиш чораларини кўришни таъминлайди.

Ўзбекистон Футбол Ассоциацияси
Биринчи вице-президенти **Р.С. Ирматов**

Ўзбекистон футбол ассоциацияси
Бош котиби **А.Максумов**

UZBEKISTAN FOOTBALL
UFA
ASSOCIATION

I.Karimov str., 98A
T: +99871 230 90 42
E: uzb@the-afc.com

